ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@umail.uz • 2015-yil 6-iyun, shanba • № 23(4124)

Йўл бошида

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – УМУМИЙ ВАЗИФА

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи ходимлари ана шу тамойилга асосланиб ўз фаолиятларини ташкил этишмоқда.

– Туманимизда 41 минг нафардан зиёд ўсмир яшайди. Улардан 49 нафари ҳисобда туради, – дея ҳикоя қилади туман ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ҲПГ инспектори, капитан Нигора Ахметова. – Тўғри, бу унчалик кўп эмас. Аммо ҳар битта бундай ҳолатга фаолиятимизнинг қаеридадир йўл қўйилган камчилик сифатида қараймиз. Айниқса, жиноятга қўл урганлиги учун ҳисобга олинган вояга етмаганлар бизни қаттиқ ташвишга солади. Ҳозирда уларнинг сони етти нафарни ташкил этади. Ораларида безорилик қилганлари ҳам бор. Аммо аксарияти ўғрилик содир этган.

Боланинг ўғрилик қилишига асосий сабаб оиладаги етишмовчиликдир. Одатда бундай оилаларда ота-оналар фарзанд тарбияси билан шуғулланиш у ёқда турсин, болаларининг еб-ичишидан ҳам хабардор бўлишмайди. Ота-онаси тирик бўла туриб, боланинг ёлғиз қолиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Рустамнинг тақдири бунга мисол бўлади. Бундан бир неча йил бурун унинг онаси қўшни давлатларнинг бирига ишлагани кетади. Ўша ерда бир ҳамшаҳри билан топишади. Иккаласи турмуш қуради. Аёл Тошкентга қайтгач, янги оиласи турадиган уйга кўчиб ўтади. Рустам эса бобоси билан қолади. Кекса кишига ўсмирни ҳам моддий жиҳатдан таъминлаб, ҳам тарбиялаш осон эмас, албатта. Бир куни Рустам кўчада ўзининг тенгдоши билан муштлашиб қолади. Рақибидан кучлироқ бўлгани боис «ғолиб чиқади». Бировга тан жароҳати етказгани учун Рустамни ҳисобга олдик.

– Наҳотки, туққан онаси Рустамни ташлаб кетган бўлса? – ҳайрон бўлиб сўрадик суҳбатдошимиздан.

– Аёл ўғлини янги турмуш ўртоғи билан таништирган, – дея суҳбатимизга қўшилди профилактика инспектори, катта лейтенант Мирсодиқ Мамарасулов. – Аммо Рустам ўгай отаси билан тил топиша олмади. Нигора билан иккимиз ўсмир билан бир неча бор суҳбатлашдик. Шунда ўтиш ёшида ҳаётнинг турли зарбаларига дуч келгани учун шундай ҳолатга тушган деган хулосага келдик. Аввалига онаси уни ташлаб кетади, кейин ўгай синглиси туғилади.

(Давоми 3-бетда).

Давра суҳбати

ПАРЛАМЕНТ ДЕМОКРАТИЯСИ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Германиянинг Ф. Эберт жамғармаси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда парламент демократиясини ривожлантириш: миллий тажриба ва халқаро амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари, парламент аъзолари, давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги парламент демократияси тараққиётининг босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиришди, парламент назоратининг самарадорлигини оширишни таҳлил этишди. Ф. Эберт жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари П. Тешендорф бу борадаги Германия тажрибасига, замонавий демократик жамият ва унинг истиқболи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

– Биз шу вақтгача парламентни қонун чиқарувчи орган сифатида билар эдик, ўтган йиллар мобайнида парламентнинг ушбу функцияси жуда яхши шаклланиб улгурди. Парламентдаги фракциялар, сиёсий гуруҳлар фикрлар хилма-хиллигини, унинг демократиясини таъминлашга асос бўлади. Натижада қонун ижодкорлиги янада юқори босқичга кўтарилади, қабул қилинаётган қонунларнинг таъсирчанлиги ошади, ҳаётга татбиқ этилиши осонлашади. Қолаверса, парламент жамиятнинг фаол бўғинига айланади, – деди Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири Ёқутхон Маматова.

Тадбир доирасида юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларини таъминлашни янада юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида шу йилнинг март ойида ташкил этилган Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур институт директори С. Хўжаева унинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлиги, фаолият йўналишлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Давра суҳбатида парламент демократиясини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси ўрганилди, маърузалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Г. АВАЗОВА.

«ҒАЛЛА – 2015»

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Фарғона вилоятида ғалла мавсумига қизғин ҳозирлик кўриляпти. Бу жараёнда ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар катта меҳнат эвазига етиштирилган ғалла ҳосилини ўз вақтида, сифатли йиғиштириб олиш, дон маҳсулотлари ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти.

Мавсумга жалб этилиши режалаштирилган 18 та машина-трактор паркидаги 310 дан ортиқ комбайнлар, 1820 дан зиёд ташув транспорт воситаларининг мавсумга шайлиги вилоят ИИБ ЁХБ ва ЙҲХБ ходимлари томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда муносабатларни янада ривожлантириш, самарадорликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик бошқа масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг турли соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда ўзаро ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, транспорт ва транзит, божхона, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк-молия каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

● Пойтахтимизда 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ташкил этилган экология ҳафталиги доирасида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш борасида 2011–2020 йилларга мўлжалланган стратегик режага мувофиқ мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда ўттизга яқин қўриқхона, миллий табиат боғлари, ноёб ёввойи ҳайвонларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган марказлар, табиат ёдгорликлари ташкил этилган бўлиб, табиатимизнинг асл манзаралари асраб-авайланмоқда.

● «Туркистон» саройида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирга юртимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари таклиф этилди. Тадбирда ўқув йили давомида аъло натижаларга эришган, турли спорт мусобақалари, ижодий танловларда совриндор бўлган болалар диплом ва совғалар билан тақдирланди. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт намойиш этилди.

● Республика болалар кутубхонасида «Мен, ота-онам, бобом ва бувим – китобхон оила» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш, оилавий китобсеварлик тарғиботида ота-оналарнинг фаоллигини кучайтириш мақсадида ташкил этилган танловда олий ўрин Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Вазирахон Зайнобиддинова-га насиб этди. Барча ғолиб ва совриндорларга диплом, эсдалик совғалари топширилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Хабарлар

СПОРТ ЁШЛАР ҲАМРОҲИ БЎЛСИН

ИИВ Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси ташаббуси билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари иштирокида ташкил этилган йиғилиш бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланди. Хусусан, диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси сингари трансмиллий жиноятлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Йиғилишда кафедра бошлиғи ўринбосари, майор М. Тўраев «Диний экстремизм ва терроризмнинг ёшлар келажагига таҳдиди» мавзусида сўзга чиқиб, бутун дунёни таҳликага солиб турган бу иллат юзасидан кенг тушунча берди ва унга қарши курашишда ёшларнинг ўрни ҳақида тўхталди. Одам савдосига бағишланган маърузада эса кейинги пайтда ушбу трансмиллий жиноят тобора илдиз отиб бораётгани, унинг аянчли оқибатлари аниқ факт ва рақамлар орқали очиб берилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар турли алдовларга ишониб одам савдоси тўрига тушиб қолмаслиги учун огоҳ бўлишлари лозимлиги уқтириб ўтилди.

Кафедра бошлиғи, подполковник А. Қурбонов ўз сўзида мамлакатимизда болалар, ёшлар ва умуман аҳоли ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмаслиги, спорт билан шуғулланган киши ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиб, турли ёт унсурларга аралашиб қолмаслиги ҳақида мисоллар келтирди.

Йиғилишда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ғайрат МАТКАРИМОВ, майор.

Бугунги кунда спорт, санъат ва бошқа соҳаларда мамлакатимиз довруғини дунёга танитаётган ёшларимиз талайгина. Бу уларнинг ўзларига яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётгани ҳамда юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканидан далолатдир. Қолаверса, ёшларни баркамол авлод қилиб вояга етказаётган ота-оналари ва устозларининг ҳам хизматини эътироф этиш жоиз.

ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ КАТТА

Бироқ шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига турли иллатлар домига тушиб, ёшлик даврини хазон қилаётганлар ҳам учраб тургани ачинарли ҳол. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Унда бош бошқарма ҲООБ бўлим бошлиғи, майор С. Абдуллаев, ИҲҲҚ ва ЮТБ бўлинма бошлиғи, подполковник Т. Абдуллаев, ҲООБ ВЕЎН ва ҲПБ катта инспектори, катта лейтенант А. Очилов ва бошқа масъул ходимлар иштирок этди.

Тадбирни лицей директори А. Шермуратов очиб, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш борасида бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта эканини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққанлар диний экстремизм, безорилик, талончилик каби жиноятлар ёшлар орасида ҳам учраётгани, улар бу йўлларга кўр-кўрона кириб қолиб, қилмишини кеч тушуниб етаётгани ҳақида гапиришди.

Ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг омиллари хусусида маъруза қилган катта лейтенант А. Очилов интернет орқали зўравонлик, беҳаёлик каби иллатлар тарғиб қилинаётганини, бунинг таъсирида айрим ёшларнинг онги заҳарланаётганини афсус билан қайд этди. Бунга ўспиринлар ҳаётидан жонли мисоллар келтирди.

Тадбирда ёт оқимлар таъсирига тушиб, бугунги кунда афсус чекаётганларнинг қисмати тасвирланган «Залолатдаги заифалар» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ёшлар ҳам тадбирда фаол иштирок этиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ, сержант.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Бугунги куннинг глобал муаммосига айланган диний экстремизм ва халқаро терроризм дунё халқларини ташвишга солмоқда. Бу иллат бизнинг диёримизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Унинг олдини олмоғимиз халқимиз ва оиламиз, қолаверса, ўзимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Буни кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари билан турли тадбирлар уюштириб келинмоқда.

Республика ИИВ Маданият саройида вазирлик ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси аппарати, комендатура ва алоҳида милиция батальони шахсий таркиби билан бўлиб ўтган навбатдаги «Маърифат ва сиёсий ўқиш» машғулоти ҳам ходимларнинг халқаро террористик ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти тўғрисидаги назарий билимларини янада ошириш ва уларга қарши курашиш мавзусига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Тошкент Ислом институти ҳамда ИИВ ЖҚ ва ТҚББнинг масъул ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этиб, йиғилганларни ҳушёрликка чорладилар. Жумладан, Тошкент Ислом институти ректори Ҳ. Юлдошхўжаев сўзга чиқиб, ўзини Ироқ ва Шом ислом давлати деб номлаган террорчилик ташкилоти разил ниятлари йўлида муқаддас динимиздан ниқоб сифатида фойдаланаётгани ўз тасдиғини топаётганлигини мисоллар асосида исботлаб берди. Улар томонидан содир этилаётган турли хил қўпорувчиликлар, шариат арконларига муносиб бўлмаган ишлари ҳақиқий ислом оламининг ғазабига сабаб бўлаётганини айтди. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ходими И. Маърупов эса ҳозирда кўпчиликнинг эътиборини тортаётган Айдарбек Тулеповнинг «ИШИД фитнаси» номли китобида баён этилган манбалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Айниқса, қора ниятли кучларнинг омми ҳамда террорчи гуруҳлар томонидан худкушликка тайёрланаётган фуқаролар ҳақида фикр билдирди. Жамиятда ўз ўрнини топа олмаган, маънавий жиҳатдан мажруҳ бўлган айрим кимсаларнинг ёвуз кучлар домига илиниб, уларнинг ғараз ниятлари йўлида ўз ҳаётига зомин бўлаётгани ачинарли ҳол эканлигини афсус билан қайд этди.

Ислом дини инсонларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Ундан ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланаётганлар эса охир-оқибат халқнинг нафратига мубтало бўлади.

Михли САФАРОВ, кичик сержант. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ички ишлар идоралари қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Улар қўриққа топширилган халқ хўжалиги иншоотлари, турли ташкилот ва идоралар, шунингдек, фуқаролар хонадонларини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани шараф билан уддалаяптилар.

ХИЗМАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Қўриқлаш хизматида фаолият самарадорлигини янада ошириш, ўғрилик, ташмачиликнинг олдини олишда ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам ўқув-услубий семинарлар ўтказиш анъанага айланган.

Ана шундай тадбирлардан бири Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасида бўлиб ўтди. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва бўлимларнинг хизмат ҳамда ҳарбий сафарбарлик ва фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходимлари қатнашди.

Тадбирни республика ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ф. Ражабов очиб, мазкур семинарнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталар экан, кун тартибида кўрилиши лозим бўлган масалалар юзасидан ҳам иштирокчиларга маълумот берди.

Семинарда ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари фаолиятини ташкиллаштириш, объектларнинг муҳандислик-техника воситалари ҳолатини талаб даражасига келтириш, хизмат итларидан самарали фойдаланиш ва бошқа шу каби масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашилди. Шунингдек, иштирокчилар икки кун давомида вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамда шаҳар-туман бўлим ва бўлинмаларининг маъмурий биноларида бўлиб, ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, хизмат ўташ жараёнлари билан танишдилар. Сўнг вилоят ички ишлар идораларидаги қўриқлаш хизмати шахсий таркибидан тузилган махсус взводнинг кўргазмали чиқиши намойиш этилди.

Ойбек МАЖИДОВ, подполковник.

Навоий вилояти.

Кўрик-танлов

ЙПХ ИНСПЕКТОРЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Йўл-патруль хизмати ходимлари ўз вазифаларини талаб даражасида бажаришлари учун пухта касбий тайёргарликка эга, мустаҳкам интизомли, синчков, қатъиятли, юксак маънавиятли бўлиши, барча қийинчиликларга бардош бера олиши лозим. Соҳа вакилларининг хатти-ҳаракатлари қонун доирасида ҳамда бошқаларга тушунарли бўлиши, улар фуқаролар билан хушмуомала бўлишлари шарт.

Бунинг учун эса касб маҳоратини, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириб боришлари керак. Ана шу мақсадда Андижон Олимпия захиралари коллежининг спорт ареналарида ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистондан келган соҳа вакиллари 10 та тур бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Кўрик-танловнинг очилишига бағишланган тантанали тадбирда сўзга чиққан Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Д. Бобожонов юртимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда соҳа ходимларининг хизматлари муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтди. У мусобақа иштирокчиларини ҳалол беллашишга чақирди ҳамда барчаларига омад ёр бўлишини тилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграгач, кўрик-танлов қатнашчилари учун вилоят Маданият саройи санъаткорлари, болалар ҳаваскорлик жамоалари куй-қўшиқлар ижро этишди. Вилоят ИИБ АВБСО ходимлари эса кўргазмали чиқишлар чоғида қўл жанги, жанговар қуролдан фойдаланиш бўйича маҳоратларини намойиш қилишди.

Шу куни мусобақа қатнашчилари низомлар, амалдаги қонунларга киритилган ўзгартишлар ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини билиш бўйича назарий танловда иштирок этишди. Шундан сўнг улар Хўжаобод туманида жойлашган полигонда бўлиб, жанговар қуролдан отиш бўйича имтиҳон топширишди. «Баркамол авлод» спорт мажмуаси спорт ареналарида қўл жанги бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Танловнинг иккинчи куни 100 ва 3000 метрга югуриш ҳамда турникда тортилиш машқлари ҳамда касбий тайёргарлиги синовдан ўтказилди. ЙПХ инспекторлари Жалолқудуқ туманидаги автомайдонда «Нексия» русумли хизмат машинасини бошқариш кўникмаларини ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солиш малакаларини намойиш қилишди.

Учинчи куни кўрик-танлов якунлари эълон қилинди. Унга кўра **«Энг яхши давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати жамоаси»** номинацияси бўйича биринчи ўринни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ, иккинчи ўринни Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ, учинчи ўринни эса Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ жамоалари эгаллади.

Шахсий ҳисобда ғолиб чиққанларнинг ҳам номлари маълум бўлди. Жумладан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Шокир Фармонов меъёрий ҳужжатларни ўзлаштирганлиги юзасидан ўтказилган тест натижалари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришганлиги эълон қилинди.

Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, сержант Фарҳод Турсунқулов йўлларда ҳаракатланиш қоидаларидан имтиҳон натижаларига кўра энг кўп балл тўплади.

Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ ходими, лейтенант Алишер Эгамов табель қуролидан ўқ отиш тайёргарлиги машғулотларида ҳаммадан кўра яхшироқ натижани қўлга киритди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Элдор Отажонов автоматдан ўқ отишда энг моҳир мерган эканлигини исботлади.

100 метрлик масофага югуриш мусобақаларида Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, сержант Элмурод Назаровга тенг келадигани топилмади.

Қўл жанги усулларини бажариш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Саламат Арзимов энг юқори натижага эришди.

Спорт тўсинида тортилишда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Элдор Отажонов ғолибликни қўлга киритди.

3000 метр масофага югуриш мусобақаларида Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, сержант Элмурод Назаров биринчи ўринни эгаллади.

Жиззах вилояти ИИБ ЙҲХБ ходими, лейтенант Улуғбек Каримов светофор ва тартибга солувчининг ишоралари амалий машқларида энг юқори кўрсаткичга эришди.

Енгил автомобилни автомайдонда фигурали бошқариш амалий машқларини бажариш бобида Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Аҳмаджон Охунов ўзининг ҳаммадан кўра маҳоратли эканини намойиш этди.

«Энг яхши давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими» номинациясида энг юқори балл тўплаган Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, сержант Элмурод Назаров ғолиб бўлди. Ушбу номинация бўйича иккинчи ўринни Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходими, кичик сержант Шокир Фармонов ҳамда Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, кичик сержант Достон Ашуралиев эгаллади. Лейтенант Алишер Эгамов (Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ), сержант Фурқат Бозоров (Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ) ва кичик сержант Жасурбек Ниязматов (Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ) учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб жамоаларга тантанали вазиятда кубоклар, дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолибликни қўлга киритган ҳамда совринли ўринларни эгаллаган ходимлар ҳам диплом, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.

Йўл бошида

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – УМУМИЙ ВАЗИФА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рустам онасини ундан қизғанади, ўзини камситилгандек ҳис қилади. Аламидан чиқиш учун бошқаларга қўполлик қила бошлайди. Катталарга қулоқ солмай қўяди. Ҳатто тенгдошлари билан муштлашишгача бориб етади. Ҳозирда у ижобий томонга ўзгарди. Бунинг учун онаси ва ўгай отаси билан бир неча марта суҳбатлашдик. Психолог эса ўсмир билан ишлади. Катталарга Рустамнинг орзу-ўйлари билан қизиқишини, уни спортга жалб этишни, тарих, физика ва бошқа фанларга қизиқтиришни маслаҳат бердик. Аслини олганда, Рустам табиатан ёмон бола эмас.

– Ўсмир билан психолог суҳбатлашди, дедингиз. Тарбияси оғир болалар билан ишлашда бу усул амалиётда тез-тез қўлланилиб туриладими?

– Албатта. Агар бола дарсларга қатнамаётган, уйидан қочиб кетаётган бўлса, демак, мактабда, оиласида ўзини ёмон ҳис қилаётган бўлади. Бунинг сабабини аниқлаш, сўнг ўсмирга ўқитувчилари ва синфдошлари билан муносабатларини яхшилашига кўмаклашиш зарур. Унинг оиласидаги муҳитни ҳам яхшилаш бўйича тавсиялар бериш керак бўлади. Буларнинг барчасини психолог амалга оширади. Биз мактабларда ишлайдиган психологлар билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз, – деди капитан Н. Ахметова.

... Шу пайт кабинетга бир йигитча мўралади. У ичкарида бегоналар борлигини кўриб, кечирим сўраб, эшикни ёпмоқчи бўлди.

– Миша, ичкарига кир! – чақирди капитан Н. Ахметова. – Ишларинг яхшими?

– Ҳа, Нигора Маҳмутовна. Инглиз тили дарслиги билан дискларни қайтариб бериш учун кирган эдим.

Улар бир неча дақиқа гаплашиб ўтиришди. Йигитча кетгач, Н. Ахметова бир пайтлар у тарбияси оғир ўсмир сифатида ҳисобда турганини айтиб берди.

– Бугун эса бутунлай бошқа одамга айланди, – деди ҳамсуҳбатимиз. – Коллежда ўқияпти. Инглиз тилига қизиқади. Мусиқани севади. Болаларнинг ўзига бўлган ишончини жудаям қадрлайман. Улар ўзлари келиб, ҳаётларида юз бераётган воқеаларни гапириб берганларида қувониб кетаман. Муаммолари билан ўртоқлашганларида, салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўраман. Акс ҳолда қийин вазиятга тушган ўсмирлар ҳуқуқбузарлик содир этиши ҳам мумкин. Мишага ўхшаган йигитлар ҳаётда тўғри йўл танлашганида, биз ўзимизни чинакамига бахтли ҳис этамиз. Зеро, ҳаётимизда яхши одамлар сони яна биттага кўпайганидан қувонмай бўладими.

У. ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ ҲООББ матбуот котиби, подполковник.
И. САЙФУТДИНОВА, журналист.

Байрам тадбирлари

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва уларнинг камол топиши йўлида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган эзгу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани фарзандларимизнинг биздан-да бахтли ва саодатли бўлиб улғайиши учун замин ҳозирламоқда. Болажонларимизнинг таълим олишлари, маданий ва маънавий жиҳатдан тарбияли бўлишлари, жисмонан чиниқишлари, юксак билимли бўлиб вояга етишишлари учун яратиб берилаётган шароитлар барчамизни қувонтириши шубҳасиз.

Республика ИИВ Академиясининг бир гуруҳ ходим ва тингловчилари Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.

Шу куни бу ерда тарбияланаётган болаларга совғалар топширилди. Болалар нафақат совғалар, балки ўзларининг катта дўстлари билан бўлган илиқ суҳбатлардан ҳам жуда хурсанд бўлишди. Чунки уларнинг кўплари бир неча бор Академияда меҳмон бўлиб, ушбу таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан қадрдон бўлиб қолган. Самимий мулоқот чоғида келажагимиз ворислари ўқув йилини қандай ютуқлар билан тугатганликлари, режалари ҳақида сўзлаб беришди.

Шунингдек, учрашувда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши йўлида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва унинг самаралари ҳақида сўз юритилди.

Анвар ДЕВЯТОВ,
истеъфодаги полковник.

***

Нукус шаҳрида жойлашган 10-сонли Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 224 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ушбу масканга Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Қорақалпоғистонпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан бешта компьютер жамланмаси совға қилинди.

— Ҳозирги илм-фан ривожланган даврда компьютер сирларини мукаммал ўзлаштириш, ўқувчи-ёшларнинг билимли, комил инсонлар бўлиб вояга етишида замонавий ўқув қуролларининг аҳамияти катта, — дейди мактаб-интернат директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳадир Айтмуратов. — Ҳукуматимиз томонидан ўқувчиларга ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилаётгани боис 100 нафар ўқувчига мўлжалланган ётоқхона, ошхона, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ҳамда бир неча фан тўгараклари фаолият юритиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши таълим-тарбия олиши учун барча қулайликлар яратилган.

Г. БЕРДИБАЕВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

***

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фарзандларининг баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилаётган ишлар ибрат олса арзигулик.

Вилоят ИИБда ўтказилган тадбирга хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари ва оила аъзолари таклиф этилди. Болажонларнинг мурғак қалбларига қувонч, беғубор чеҳрасига хурсандчилик улашиш мақсадида салқин ичимликлар, ҳар хил ширинликлар ва музқаймоқлар тортиқ қилинди. Тадбир давомида вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Ш. Ўринов болажонларга кийим-кечак ва турли совғалар улашиб, уларнинг келажакдаги орзу-истаклари билан ўртоқлашди.

Болажонлар ўзларининг дил сўзларини шеърлар орқали изҳор этиб, бир олам қувонч ва хуш кайфият билан қайтишди.

Бахтиёр РАҲМАТОВ,
катта лейтенант.
Бухоро вилояти.

***

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимлар ҳамда ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройида тадбир уюштирилди.

Тантанали маросимда болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Уларга турли ширинликлар, салқин ичимликлар, шунингдек, совғалар улашилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбир кичкинтойлар қалбига бир олам қувонч бағишлади.

А.МИРЗАЕВ.
Навоий вилояти.

***

Республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар маркази шахсий таркиби ҳамда вазирлик Маданият саройи ашула ва рақс ансамблининг бир гуруҳ санъаткорлари Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.

Меҳрибонлик уйи раҳбари А. Акмалов тадбирни очиб, болажонларни табриклади. Шундан сўнг сўзга чиққан марказ бошлиғи, полковник Ҳ. Дўсматов юртимизда болажонларга яратилаётган шароитлар ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида сўз юритди.

Тадбир куй-қўшиққа уланиб, вазирлик Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган концерт дастури болажонларга олам-олам қувонч бағишлади. Шунингдек, болажонларга ҳомий ташкилотлар билан бир қаторда, марказ жамоаси томонидан ташкиллаштирилган байрам совғалари тарқатилди.

Нодир ҲОЖИЕВ,
майор.

Семинар

ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Қашқадарё вилояти ИИБда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш бўйича ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, вилоят прокуратураси, Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, шаҳар, туман ИИБ ходимлари қатнашди. Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ж. Чиналиев кириш сўзи билан очди.

Семинарда вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш. Пўлатов мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси А. Дўстов ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритди. Вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б. Суюнов қонун талабларини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва бундай қонунбузарликларни бартараф этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Вилоят ИИБ ходимларидан майор А. Шодмонов электрон шаклда мурожаат этишнинг афзалликлари хусусида, капитан Ф. Абраев ички ишлар идораларида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқилишини ташкил этиш тартиби ҳамда амалиёти ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумот берди.

Семинар якунида тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарилиб, уларнинг билимлари тест синовидан ўтказилди.

Содиқ РАҲИМОВ.
Қашқадарё вилояти.

ТИНГЛОВЧИ ВА КУРСАНТЛАР ЭЪТИБОРИГА ЕТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти юзасидан семинар ўтказилди.

Семинар Фарғона вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи М. Топволдиев сўзга чиқиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти, мақсади ҳамда аҳамияти ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, семинарда Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг катта мутахассиси Р. Тургенов сўз олиб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни амалиётга қўллашнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталди. Жумладан, мазкур қонунга асосан, гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғининг ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда, уй қамоғи қўлланилишини таъкидлаб ўтди.

Семинар давомида тингловчи ва курсантлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Ш. ЮСУПОВ,
майор.

«101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 219 та ёнғин қайд этилди. Ёнғинларда бир нафар фуқаро тан жароҳати олган. 642 миллион сўмлик қурилиш материаллари ва 676 миллион сўмга яқин моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинган.

Сирдарё вилояти Боёвут туманида яшовчи Ш. Мардоновнинг уйида содир бўлган ёнғинга электр симларининг қисқа туташуви сабаб бўлган. Натижада том, шифт қисми ва уй жиҳозлари ёниб зарарланган.

Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи А. Ҳамидовнинг хонадонида ҳам электр симларининг эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли қисқа туташув содир бўлиб, ёнғинга айланган. Бунинг оқибатида уйнинг томи ва шифтининг бир қисми ҳамда уй жиҳозлари ёниб кетган. Энг ёмони, ёнғин қўшнисининг уйига ҳам ўтиб, бу хонадоннинг том, шифти ва уй жиҳозларининг бир қисмини зарарлаган.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида яшовчи Ж. Файзиевнинг «ГАЗ-53» русумли юк автомашинаси анча эскириб, эҳтиёт қисмлари, айниқса, электр симларининг яроқсиз ҳолга келиб қолгани панд берди. Автомашинада рўй берган қисқа туташув ёнғинга олиб келди. Натижада автомобиль ёниб, алангаси яшаш уйига ўтган ва том, шифтнинг бир қисми ҳамда жиҳозлар ёнган.

Ҳар бир буюм ва ашёнинг фойдаланиш муддати бор. Жумладан, хонадонлардаги электр симлари йиллар ўтиб, эскириб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолишини унутмаслик керак. Қисқа туташувлар асосан шунинг оқибатида рўй беради. Шунинг учун хонадонимиздаги электр симларининг яроқлилигига аҳамият беришимиз лозим. Бепарволик эса юқорида келтирилган кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
майор.

«ҒАЛЛА – 2015»

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хўжаликлар ва дон қабул қилиш шохобчаларидаги мавсумга тайёргарлик ишлари доимий назоратда. Хусусан, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси ва донни қабул қилиш шохобчаларида ташкил этилган кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари шахсий таркиби жалб қилинган ҳолда, тўрт марта амалий-тактик машқлар, ўн беш марта машғулотлар ўтказилди. Мавжуд 18 та ерости сув олгичи ва 15 та ҳовузнинг созлиги текширувдан ўтказилди.

Вилоятнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Тошлоқ туманида ҳам ғалла ўрим-йиғимида иштирок этиши кўзда тутилган юқори унумли комбайнларнинг ва дон ташувчи транспорт воситаларининг шайлиги, ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида жиҳозлангани ҳамда мавсумнинг муваффақиятли ўтиши билан боғлиқ бошқа тадбирлар уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Туман ИИБ шахсий таркиби мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун мавжуд барча куч ва имкониятларни ишга солмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА.
Фарғона вилояти.
Муаллиф олган сурат.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Наманган вилояти ИИБ ЁХБ томонидан ғалла ҳосилини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш, қабул қилиш, қуритиш ва сақлаш омборлари, қайта ишлаш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги талаблар асосида тегишли вазифалар белгиланди. Хусусан, мавсумда тадбирга жалб этилган ёнғинга қарши куч ва воситаларни марказлаштирилган ҳолда бошқариш учун тезкор штаб ва унинг ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Ўрим-йиғимга жалб этилиши режалаштирилган 229 та комбайн, дон ташишга мўлжалланган 916 та юк автомобили, 241 та плугли трактор ва аравали сув сиғимлари, 124 та ёнилғи ташиш транспорт воситасининг мавсумга шайлиги жойлардаги ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Ана шу жараёнда автокорхоналар ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари, шунингдек, ғалла ўрим-йиғимида қатнашадиган ишчи-хизматчилар, механизатор ва ҳайдовчилар иштирокида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан 44 маротаба йўриқнома ва суҳбат ўтказилди. Ҳозирда барча машина-трактор паркларида комбайнлар тўлиқ таъмирланиб, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва анжомлари билан таъминланяпти.

Наманган шаҳри, Учқўрғон ва Поп туманларидаги дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Норин туманларидаги дон қабул қилиш ва сақлаш омборларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида панно ва плакатлар тайёрланиб, туманларнинг асосий йўл ёқаларига ҳамда дон қабул қилиш шохобчаларига ўрнатилиши режалаштирилди. Туман ИИБ ЁХБлари томонидан комбайн ва дон ташиш учун мўлжалланган автотранспорт ҳайдовчилари, ишчи-хизматчилар учун ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида 11 хил кўринишдаги плакат, эслатма ва мурожаатномалар тайёрланмоқда.

Одилбек ШАРИПОВ,
майор.
Наманган вилояти.

РЕЖА АСОСИДА

Бухоро вилоятининг олис Қоракўл туманида ҳам ғалла мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Ўрим-йиғим даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланиб, режа асосида изчиллик билан иш олиб борилаётгани бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳозирга қадар туман ИИБ ЁХБ ходимлари комбайнларнинг, «Қоракўлдонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти ҳамда унга қарашли дон қабул қилиш масканларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати мониторинг қилинди. Ўрим-йиғимга жалб қилинадиган 14 та комбайн бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Ғалла мавсумини муваффақиятли ташкил этиш ва кўнгилдагидек ўтказишда ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари қаторида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ўзига хос ўрни бор. Шу туфайли ҳам туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси томонидан айни вақтда ғаллазорлар, хирмон ва омборларда ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар янада кучайтирилмоқда.

Мирзоқул АҲАДОВ.
Бухоро вилояти.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Юксак мукофот соҳиблари

ХИЗМАТИНГДА ТУРМАСАМ СЕНИ...

Ватан тинчлиги, осойишталиги, ҳимояси учун кўкси қалқон бўлган мард фарзандларнинг номи ҳар доим ҳурмат билан тилга олинади. Уларнинг фидойилик, матонат ва жасоратга тўла ҳаёт йўли йиллар ўтса-да, келажак авлодлар учун ибрат бўлиб қолаверади.

Илҳомжон Ортиқов юртнинг ана шундай фидойи, эл-юрт ҳурматини қозонган фарзандларидан биридир. Унинг болалик йиллари Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Бекобод қишлоғида ўтди. Илҳомжон ўрта мактабни тамомлагандан сўнг ҳужжатларини ИИВ Академиясига топширди. Отаси Камолиддин ака ва онаси Хосиятхон опа кенжа фарзанди ўқишга кира олмаганидан хафа бўлди, албатта. Чунки тўрт фарзанди олий маълумотли. Аммо улар буни ўғлига сездиришмади, аксинча, тушкунликка тушмай, янада қунт билан ўқиб, билимини ошириши зарурлигини айтиб, далда беришди. Интилиш, ўқиш ва изланиш ўз самарасини бериб, кейинги йили у ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти курсанти деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ушбу нуфузли даргоҳни тамомлаганидан сўнг илк хизмат фаолиятини ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда гуруҳ командири лавозимида бошлади. Кейинчалик взвод командири ўринбосари, батальон командири ўринбосари, батальон командири, ҳарбий қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилди. У қайси лавозимда фаолият кўрсатмасин, муддатли ҳамда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишни зиммасидаги муҳим вазифа деб билди. Кундалик машғулотларни назорат қилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Эътиборли жиҳати, олиб борилган барча саъй-ҳаракатлар, ўз устида муттасил ишлаш ва доимий машғулотлар натижасини берди. Ўтган йили ИИВ Қоровул қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган анъанавий кўрик-танловнинг «Энг илғор ҳарбий қисм» номинациясида унинг жамоаси иккинчи ўринни, шу номинациянинг жанговар тайёргарлик ва спорт йўналиши бўйича эса биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракат, фидойилик билан қилинган хизмат ҳар доим ўзининг муносиб баҳосини олган. Республика ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари, подполковник Илҳомжон Ортиқовнинг ҳам шарафли хизматлари ҳукуматимиз томонидан эътироф этилди. Жорий йил Ватан ҳимоячилари куни арафасида у Юртбошимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

— Бу мукофот фақат менга эмас, балки барча ҳамкасбларимнинг хизматига берилган баҳодир, — дейди Илҳомжон Ортиқов. — Афсуски, бу кунларни кўриш отамга насиб этмади. Чунки шу даражага етишишимда падаримнинг хизмати катта. Ота-онамнинг берган тўғри тарбияси, панд-насиҳатлари, маслаҳат ва йўл-йўриқлари туфайли хизматларим давлатимиз томонидан эътироф этилди. Бу ишонч зиммамга янада улкан масъулият юклайди. Келгусида биллирилган ишончни, албатта оқлайман. Шу ўринда полковник М. Мухторов, подполковник А. Ҳайдаров сингари кўплаб устозларимнинг номини фахр билан тилга олишни истайман.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков томонидан ижро этилган:

«Хизматингда турмасам сени,

Болам дема, Ватаним мени», қўшиғини ҳар доим ҳаяжон билан тинглайман. Назаримда, бу қўшиқ биз учун айтилгандек. Онамизни қанчалик ардоқласак, ҳурмат қилиб топшириғини бажаришга шошилсак, Ватанимизни ҳам шундай севишимиз, хизматига доимо шай туришимиз лозимлигини таъкидлагандек бўлаверади. Дарҳақиқат, Ватаннинг бирор корига яраш, унинг ҳимояси, эл-юрт осойишталигини асраш йўлида хизмат қилиш чин фарзандлик бурчимиздир. ...

Йиллар давомида Илҳомжоннинг ўзи ҳам устоз бўлиб кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳарбий қисм штаб бошлиғи ўринбосари, капитан Умид Камолов, взвод командири, капитан Олим Қурбонов, батальон командири ўринбосари, капитан Мансур Хуррамов ва бошқа издошлари эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм командири лавозимида фаолиятини давом эттираётган подполковник Илҳомжон Ортиқов турмуш ўртоғи Нодирахон билан уч нафар фазандни тарбиялаб, тинч-тотув яшамоқда.

Ҳар бир инсон бахт ҳақида турли тушунчага эга бўлади. Аммо барча тасаввурларнинг замири оилавий хотиржамлик, юрт тинчлиги ва осойишталиги, соғлиқ-саломатлик каби улуғ неъматларга бориб тақалишини кўпинча ҳис этавермаймиз. Шу маънода Илҳомжон Ортиқовга ҳар томонлама ҳавас қилса арзийди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.

Суратда: *подполковник И. Ортиқов шогирди, капитан У. Камолов билан.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

БАХТИ БЕКАМ ИНСОН

— Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Шундай экан, мазмунли яшашга, эл-юртга содиқлик билан хизмат қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Шунда ҳамкасбларинг, шогирдларинг ўртасида обрў-эътиборга эга бўласан, — дейди бу йил етмиш баҳорни қаршилаган истеъфодаги подполковник Фозил Шокиров.

Умрини юрт ва халқнинг осойишта, фаровон ҳаётини ёнғин балосидан асрашга бағишлаган бу инсонни кўпчилик ҳурмат қилади. Умрнинг шундай бир даври борки, ҳаётда кечирган дамлар сарҳисоб этилади. Бу – кексалик давридир. Аслида кексайиш соч-соқолга оқ иниб, юзга ажин тушиш билан белгиланади. Аммо бу жисмоний жиҳатдан кексайиш, холос. Бу даврнинг асл моҳияти эса умри давомида қилган ишлари мевасини, энг аввало, фарзандлар роҳатини кўришда намоён бўлади. Фозил ака ана шундай даврни бошидан кечириб, фарзандлари камолини кўриб, қарилик гаштини суриб келаяпти.

— Кўп йиллар ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатиб, кам бўлмадим, — дейди отахон. — Бу соҳани танлашимда устозим Ҳикмат Насруллаевнинг хизмати катта бўлган. Дастлаб оддий ҳайдовчи эдим. Йиллар ўтган сайин хизматда суягим қотди. У даврда соҳанинг мутахассислари, махсус касбга эга бўлганлари кам эди. Шу боис раҳбар бўлиб ишлаган даврларимда кўпчилик ёшларни ўқишга юбориб, мутахассисликка йўналтирганман.

Кейинроқ раҳбарият Фозил акани республика ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг ўрта бошлиқлар таркибини тайёрлаш курсига ўқишга юборди. Ўқишни битиргач, кичик лейтенант унвони билан Бухоро вилояти ИИБ ЁСБ ихтиёрига юборилди. Бўлимга ёнғин ўчириш тезкор автомобилларни ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, моддий-техник ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солишни назорат қилиш инспектори лавозимида хизматни давом эттирди. Хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда ИИВ Тошкент ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини тамомлади. Шундан кейин турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Айниқса, Бухоро, Жондор, Когон туманлари ИИБ ёнғин хавфсизлиги қисмларида хизмат қилган даврларда кадрларни ўқитиш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳудудида жойлашган саноат ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса, ташкилот ва бошқа объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, профилактика, тарғибот ҳамда ташвиқот ишларига, қисм жанговар салоҳиятининг юқори бўлишига, моддий-техник базани мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Халқимиз шогирдсиз устани мевасиз дарахтга қиёслайди. Шу жиҳатдан олганда, Ф. Шокировни серҳосил мевали дарахтга ўхшатиш мумкин. У киши мураббийлик қилган ёшларнинг кўпчилиги ҳалол меҳнати ва шарафли хизматлари билан эл назарига тушган.

Фозил ака умр йўлдоши Ҳамрохон ая билан биргаликда саккиз ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Барчасини олий маълумотли, уйли-жойли қилди. Ўғиллари ота изидан борди, қизлари тадбиркорлик қилаяпти.

— Биз ҳам бобом бошлаб берган сулола ишини давом эттириш ниятидамиз. Шу боис мактабда аъло баҳоларда ўқиш билан бирга, спортда яхши натижаларга эришиб келаяпмиз, — дейди Ф. Шокировнинг набиралари Шоҳруҳжон ва Қобилбек.

Ҳа, набираларидан бундай сўзларни эшитиш Фозил ака учун катта бахт. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этсин.

Хайрулло ЗОИРОВ,
подполковник.
Мирзоқул АҲАДОВ,
журналист.
Бухоро вилояти.

Суратда: *истеъфодаги подполковник Фозил Шокиров оила аъзолари даврасида.*

М. ҒАНИЕВ олган сурат.

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ, ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Катта лейтенант Икромжон Тожибоев Наманган шаҳридаги Маданий-маориф маҳалласига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пунктига профилактика катта инспектори этиб тайинланиши биланоқ енг шимариб ишга киришди. Ишни маҳаллани аста-секин ўрганишдан бошлади. Бу жараёнда биринчи навбатда маҳалла аҳли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётган билан қизиқди.

Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган профилактика инспектори бу борада адашмаган экан. Ўрганишлар давомида маҳаллада аҳоли иш ва ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун зарур шароитлар йўқлиги кўзга ташланди. Ваҳоланки, маҳалла ҳудудида каттагина ташландиқ жой бор, бу ерни одамлар ҳордиқ чиқарадиган кўркам ва обод масканга айлантириш, ёшлар учун эса, спорт майдончалари барпо этиш мумкин.

Икромжон ўша куниёқ оқсоқол Нажмиддин Мажидовга ўз таклифини билдирди, маҳалла фаоллари билан бу масалани муҳокама қилди. Ва тез орада ташландиқ жойни обод қилишга киришишди. Хайрли ишдан маҳалланинг ҳеч бир одами четда қолмади: кимдир моддий томондан қўллаб-қувватлаган бўлса, яна кимдир ўз меҳнати билан ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшди. Қарабсизки, кўз очиб-юмгунча бир пайтлар қаровсиз ётган жой ҳақиқий истироҳат боғига, спорт масканига айланди. Бугун маҳалла аҳлининг таниқли санъаткорлар, олимлар билан учрашувлари ҳам айни шу ерда ташкил этилмоқда.

Сир эмаски, ҳар қандай жамиятда бекорчилик ва ишсизлик турли ҳуқуқбузарликларнинг, жиноятларнинг илдиз отишига имкон яратади. Буни яхши англаб етган профилактика катта инспектори, катта лейтенант Икромжон Тожибоев маҳалла ҳудудида тадбиркорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида бевосита унинг ҳуқуқий маслаҳати ва беминнат ёрдами билан ўн киши ҳунармандчилик ва тикувчилик цехларини ишга туширди. Ҳозир ушбу ишлаб чиқариш объектларида маҳалланинг ўнлаб йигит-қизлари иш билан банд, яна ўнлаб ёшлар ҳунар ўрганишяпти. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик қилиш истагида бўлган олти нафар кишининг банклардан имтиёзли кредитлар олишига амалий кўмак берилгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Мақсадга эришиш йўлида бир-икки кишининг жон куйдиргани денгиздан томчига ўхшайди. Кўпчилик билан бамаслаҳат, биргаликда амалга оширилган саъй-ҳаракат кутилганидан-да яхши самара беради. Шу маънода, ҳудудда жамоатчилик назорати марказининг шакллантирилгани ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда жиноятларнинг олдини олишда ғоят муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу жамоатчилик назорати марказига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийлар, намунали оилалар бошлиқлари жалб этилган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бир пайтлар ичкиликка ружу қўйган, бирон-бир ишнинг бошини тутмаган тўрт киши эндиликда кичик цехларда ишлаб, рўзғорига барака киритяпти.

Шу ўринда яна бир фактга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маданий-маориф маҳалласида кейинги икки йилда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Шунинг учун ҳам Наманган шаҳар ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан ўтказилган таҳлилий тадбирда профилактика катта инспектори, катта лейтенант Икромжон Тожибоев хизмат кўрсатаётган ушбу маҳалла энг ибратли ҳудуд сифатида эътироф этилиб, бу жойда тўпланган тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.
Наманган вилояти.

ЖАСОРАТГА ЙЎҒРИЛГАН ФАОЛИЯТ

Ўғрилик қилиб бировнинг ҳисобига кун кўрадиган эгриқўллар, алдов, ҳийла-найранг билан ўзганинг бор-будини шилиб оладиган фирибгарлар, кўча-кўйда ўзининг устунлигини кўрсатмоқчи бўлган муштумзўрлар ҳамма замонларда бўлган. Аммо барча даврларда уларнинг пайи қирқилиб, осойишталик посбонлари томонидан қатъий курашиб келинган. Бугун ҳам бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Жиноят қилишга мойил шахслар аксарият ҳолларда биринчи бўлиб патруль-пост хизмати ходимларига дуч келади. Жамоат тартибини сақлашни ўзларининг асосий вазифаси деб билган соҳа вакиллари қаерда, қай вақтда бўлмасин, уларга қарши сидқидилдан курашиб келмоқда.

Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонида ҳам ана шундай фидойи ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг сергаклиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши туфайли кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, жиноий қилмишларига чек қўйилмоқда.

Жорий йилнинг бошларида Тошлоқ туманида яшовчи М. Мирзақамбарова Фарғона шаҳар ИИБ га ариза билан мурожаат қилди. Аризада қайд этилишича, шаҳардаги «Иштаҳа» ошхонасида номаълум шахс унинг чўнтагидан нархи 600 минг сўмлик уяли телефон аппаратини ўғирлаб кетган. ППХ батальони 3-отряд командирининг ўринбосари, лейтенант Шерали Махсудов, сафдорлар Иномжон Зоиров ва Ҳамиджон Фозиловнинг саъй-ҳаракати билан Марғилон шаҳрида яшовчи, 1984 йилда туғилган М. Зафар гумон қилинувчи тариқасида аниқланиб, ашёвий далил билан ушланди.

Фарғона шаҳар Совурбулоқ кўчасида яшовчи Ш. Тожираҳмонов ППХ батальони 2-отряд командирининг ўринбосари, капитан Мирзоҳид Отаназаров ва сафдор Ёқутжон Камоловга чин дилдан миннатдорлик билдирди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Гап шундаки, бир неча кун олдин тунда унинг уйига номаълум шахс девор ошиб кириб, умумий нархи 180 минг сўм бўлган уй-рўзғор буюмларини ўмариб кетганди.

Ўша пайтда юқорида номлари қайд этилган ходимлар мазкур ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган эди. Ярим тунда нималарнидир орқалаб олган кимсани кўриб, вақтни бой бермай унинг изидан тушишди ва кўп ўтмай қувасойлик Б. Иброҳимни ашёвий далиллар билан қўлга олишди. Кейинчалик бу шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо берилди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида бевосита ППХ батальони ходимлари томонидан 40 дан зиёд, бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорликда эса 100 дан ортиқ жиноят фош этилиб, айбдорлар муқаррар жазога тортилди, — дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командирининг ўринбосари, капитан Жамолиддин Аҳмедов. — Бундан ташқари, турли ҳуқуқбузарликларга қўл урган беш мингдан ортиқ кишига нисбатан маъмурий баённома тузилди. Шу давр ичида 32 минг нафардан ортиқ шахс шубҳа уйғотганлиги учун ИИБга олиб келинди, маст ҳолатда юрган 3859 нафар шахс реабилитация марказига жойлаштирилди.

— Осойишталик посбонларига минг раҳмат, — дейди фуқаро Мирзоҳид Мирзаев. — Улар кундузни кундуз, кечани кеча демай хизмат қилмоқда. Айнан уларнинг фидокорона хизмати туфайли юртимизда тинчлик барқарор, осойишталик ҳукмрон. Шу сабабли мен ҳам кўплаб фарғоналиклар сингари тунда шаҳарда сайр қилишга одатланиб қолганман.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ ходимларининг том маънода жасорат билан йўғрилган фаолияти эътибордан четда қолмаяпти. Уларнинг кўплари раҳбарият томонидан рағбатлантирилмоқда. Аммо асосийси – бу эмас. Жиноий унсурлар хуружидан муҳофаза қилинган, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари топталишдан асраб қолинган юртдошларимизнинг бир оғиз миннатдорлик сўзи улар учун энг олий мукофотдир.

Бўрибой ОМОНЗОДА.
Фарғона вилояти.

Суратда: *Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари – сафдор Элёр Жўраев ва сафдор Садриддин Жамолдинов хизмат пайтида.*
Муаллиф олган сурат.

МАҚСАД – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда тарғибот ишлари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл вокзали «Тўқимачи» темир йўл бекати тармоқ ИИБ томонидан бунга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яккасарой ва Миробод тумани ИИБ, шунингдек, Тошкент транспорт прокуратураси билан ҳамкорликда темир йўлга яқин жойлашган маҳаллаларда, таълим муассасаларида йиғилишлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

– Темир йўл транспорти билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар мунтазам йўлга қўйилган, – дейди «Тўқимачи» темир йўл бекати тармоқ ИИБ профилактика инспектори, лейтенант Шерзод Саъдуллаев. – Хусусан, болалар, мактаб ўқувчилари ўртасида темир йўл қурилмаларига шикаст етказмаслик, поездларнинг ойналарига тош отмаслик, темир йўл изларига бегона жисмларни қўймаслик ҳақида суҳбатлар ўтказиляпти. Темир йўл қоидалари, уларга риоя қилмасликнинг оқибатлари тўғрисида маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамасдан, айрим фуқаролар томонидан темир йўл бекатларида, перегонларда ҳамда корхоналарда ўғриликлар, майда ташмачиликлар учраб турибди. Масалан, пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М. Фозил ва янгийўллик Қ. Бахтиёр таъмирлаш корхонасидан бир дона мотор двигатели ҳамда тўшак учун мўлжалланган ўнта ғилофни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб чиқиб кетаётган пайтда қўлга олинди.

Ходимлар вазифаларини сидқидилдан бажараётгани туфайли ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилмаяпти. Бунда, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик билан ҳамкорликда темир йўлда хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар катта ўрин тутмоқда.

Элмурод ҚЎЗИЕВ,
катта лейтенант.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

ТЕЗКОРЛИК ФОЙДА БЕРДИ

Сариосиё тумани «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ф. Болтабоев эрталаб молларига ем солиш учун молхонага кирди-ю, капалаги учди. Не кўз билан кўрсинки, яқинда бозордан фалон сўмга сотиб олган она-бола сигири жойида йўқ.

Қорамолларнинг йўқолганидан уйда саросима бошланди. Бақирчақирдан бирпасда қўшнилар ҳам йиғилди. Кимдир яқин ўртадаги мол бозорларига бориш кераклигини айтса, яна бошқаси ён-атрофдаги қишлоқларни кўздан кечириш лозимлигини уқтирди. Шу орада қўшнилардан бири «биринчи ўринда милицияга хабар бериш керак», деди. Бу таклиф Ф. Болтабоевга жўяли туюлди. Вақтни бой бермай туман ИИБ навбатчилик қисмига қўнғироқ қилди.

— Фуқаро Ф. Болтабоевнинг мурожаати асосида тергов-тезкор гуруҳи тузилиб, тезда воқеа жойига юборилди, — дейди Сариосиё тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, майор Улуғбек Мирзаев. — Негаки, жиноят содир бўлган, вақт эса ўтиб борарди. Агар тез ҳаракат қилмасак, ўтиб бораётган ҳар бир сония ўғрининг фойдасига ишлар, у яширинишга ҳам улгуриши мумкин эди.

Тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига етиб бориб, ҳолатни атрофлича ўрганди. Суриштирув ишлари олиб борилди. Қўшни қишлоқлар, бозорлар кўздан кечирилди. Ҳудуд профилактика инспекторларига йўқолган қорамоллар тўғрисида маълумот берилди.

Кўп ўтмай қўшни қишлоқда яшовчи отахон бир гап айтиб қолди:

– Азон маҳали қўйларни қўрадан чиқараётганимда узоқда она-бола сигирни етаклаб кетаётган одамни кўриб қолдим. Бугун молбозор бўлмаса, қаердан келаяпти экан, деган ўй хаёлимдан ўтди. У Денов томонга қараб кетди.

Шу маълумот асосида Сариосиёнинг Денов тумани билан чегара ҳудудларида суриштирув ишлари кучайтирилди. Бироз вақт ўтиб, шу яқин атрофдаги қишлоқда яшовчи фуқаронинг маълумоти тергов-тезкор гуруҳини сергаклантирди.

— Эрталаб бир йигит келиб, «Ака, сигирни бозорга олиб кетаётгандим, уйдан қўнғироқ бўлиб қолди. Бирор кўнгилсизлик бўлганга ўхшайди. Шунинг учун уйга бормасам бўлмайди. Молларим сизникида тура турсин, кейин келиб олиб кетаман», деб сигирни бузоғи билан ташлаб кетди, — деди у.

Фуқаро Ф. Болтабоев қорамолларни кўриб, ўзиники эканлигини тасдиқлади. Энди иш ўғрини топишда қолганди. Агар «яна келаман», деб кетган бўлса, албатта, бу ерга қайтади. Шунинг учун тергов-тезкор гуруҳи шу ерда яшириниб, ўғрини кутди. Ниҳоят, бир кун ўтиб, у сигирни олиб кетишга келди. Гуруҳ аъзолари эса тезда уни қўлга олди. Бировнинг молига кўз олайтирган бу кимса қўшни қишлоқлик Н. Шодиёр бўлиб чиқди. Унинг устидан жиноят иши қўзғатилиб, терговга оширилди.

Албатта, бу жиноятнинг фош этилишида туман ИИБ навбатчилик қисмининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мурожаатнинг ўз вақтида қабул қилиниб, тўғри қарор

чиқарилиши, тергов-тезкор гуруҳининг воқеа жойига тезда етиб бориши натижасида бир жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Айни шу жиноятнинг очилишида навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, катта сержант Нарзибой Зиёев ҳам фаол қатнашиб, ўзини ҳар томонлама кўрсатди.

Айтиш лозимки, ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмини ҳар доим иш қайнайдиган, ходимларнинг қўли-қўлига тегмайдиган жойга қиёслаш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида навбатчилик қисмига 50 нафардан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари турли сабаблар билан мурожаат қилишди. Уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилинган бўлса, ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилгани туфайли аксарият жиноятлар «иссиқ изида» очилиб, жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Фозил МАМАШАРИПОВ.
Сурхондарё вилояти.
Суратда: *туман ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, майор Улуғбек Мирзаев ва навбатчи ёрдамчиси, катта сержант Нарзибой Зиёев хизмат пайтида.*
Эркин ТУЛЯЕВ олган сурат.

ЭКСПЕРТНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Зомин тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган «Арсенал» тадбири давомида «Дуоба» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Усмонсой қишлоғида яшовчи И. Миртемирнинг хонадонида ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган ов қуроли сақланаётгани аниқланди. Уй эгаси бобосидан қолган бу қуролнинг фойдаланишга умуман яроқсизлигини рўкач қилиб, уни бирор марта ҳам ишлатмаганини айтди.

Туман ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳи эксперти, лейтенант Синдор Абдураимов қуролни баллистик экспертизадан ўтказди. Қарангки, экспертиза хулосасига кўра қурол ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ишлаб чиқарилгани, отишга яроқли экани, ҳатто яқинда ундан ўқ узилгани маълум бўлди. Шундан кейин И. Миртемир қуролни кўп йиллардан бери ишлатиб келаётганини, яқинда овга борганини тан олишдан бошқа иложи қолмади. Унга нисбатан қонуний чора кўрилиб, ов қуроли мусодара қилинди.

Замон билан бирга қадам ташлаётган эксперт-криминалистика хизмати ходимлари ҳар бир ашёни диққат билан текширувдан ўтказиб, аниқ хулоса беришга ҳаракат қиладилар. Экспертлар ихтиёрида энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар мавжуд бўлиб, бу жиноятларни аниқлаш ва очишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

– Бизнинг хизматда кичик бир хато ёки эътиборсизлик туфайли жиноятчи қолиб бошқа бегуноҳ киши жабрланиб қолиши мумкин, – дейди туман ИИБ ЭКГ эксперти, лейтенант Синдор Абдураимов. – Шунинг учун ҳам ҳар бир ашёни текширишда, хулоса чиқаришда билим ва тажрибага таяниб, етти ўлчаб бир марта кесишга интиламиз. Зарур ҳолларда эса вилоят ИИБ ЭКБ мутахассисларига мурожаат қиламиз.

Туман ИИБ ЭКГ экспертлари йилнинг ўтган даврида етмиш мартадан кўпроқ воқеа жойига чиқиб, топилган икки юзга яқин ашёвий далилларни текширувдан ўтказишди. Бундан ташқари, «Тозалаш–Антитеррор», «Арсенал» сингари тадбирларда ҳам фаол қатнашиб, жиноят бўйича гумон қилинувчилар, жиноят қилишга мойил деб топилган, шунингдек, чет элдан ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан келган фуқаролардан 1500 дан зиёд қўл-бармоқ излари олиниб, вилоят ИИБ ЭКБдаги «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизимига жойлаштирилди. Бу, албатта, хизмат фаолиятида ўз самарасини бермай қолмаяпти. Масалан, Зомин шаҳарчасидаги суратқашлик студиясидан иккита компьютер, учта фотоаппарат йўқолгани ҳолати юзасидан экспертлар воқеа жойидан бармоқ изларини олишди. «СОНДА» АДИТ базаси орқали текширилганида ушбу бармоқ излари Зомин туманида истиқомат қилувчи М. Аббосники эканлиги маълум бўлди.

Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,
кичик сержант.
Жиззах вилояти.
Суратда: *туман ИИБ ЭКГ эксперти, лейтенант Синдор Абдураимов воқеа жойида.*
Садриддин ШАМСИДДИНОВ олган сурат.

ИИВ Матбуот хизмати хабарлари

НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Қашқадарё вилояти Косон туманида яшовчи В. Исматнинг уйига тунда номаълум шахс ўғирлик мақсадида кириб, ҳовлида турган «Нексия» автомашинасининг ичидан 100 минг сўм пулни олади. Бунга қаноат қилмаган ўғри ётоқхонага ҳам бош суқади. Шу пайт уй соҳиби уйғониб кетиб, унга жиддий қаршилик кўрсатади. Саросимага тушиб қолган ўғрини тезда ушлаб, ички ишлар идораларига хабар берди.

Ички ишлар бўлимида ўғрининг кимлиги аниқланди. Маълум бўлишича, у Ш. Абдураим экан. Энди у қилмишига яраша жазо олиши тайин.

НОПОК ҚЎШНИ

Хоразм вилояти Урганч туманида яшовчи Б. Жуманиёз туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Унда айтилишича, тунда уйига номаълум шахс калит танлаш йўли билан кириб, 500 минг сўм пулни ўғирлаб кетган.

Мазкур мурожаат асосида ички ишлар идоралари томонидан тез-



кор чоралар кўрилди. Кўп ўтмай ушбу жиноятни содир этишда гумон қилиниб, жабрланувчининг қўшниси О. Қадамбой қўлга олинди. Суриштирув жараёнида у айбига иқрор бўлди.

Ҳозирда жиноятчининг қилмишига қонуний баҳо берилмоқда.

ОҚИБАТСИЗ ҚАРИНДОШ

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманилик Ж. Фарҳод қариндоши Н. Шоира билан билан жанжаллашиб қолди. Ўзаро тортишув давомида ўзининг устунлигини намойиш қилиб, аёлдан «Нокия» русумли уяли телефон аппарати ва тилла билакузугини тортиб олди.

Жабрланувчи бу ҳақда тезда ички ишлар идораларини хабардор қилди. Вақтида кўрилган чоралар натижасида зўравон қўлга олинди.

Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА...



Тошкент вилоятилик Р. Баҳром таниши Ш. Садриддинга ҳазил қилмоқчи бўлди. У Чирчиқ шаҳридаги «Олтинсой» қаҳвахонаси олдида қаровсиз қолдирилган Ш. Садриддинга тегишли «Ласетти» автомашинасини ҳайдаб қочди. Лекин «ўйиндан ўт чиқиши» мумкинлигини у жуда кеч тушуниб етди. Ички ишлар идоралари ходимлари З. Баҳромни жиноят устида қўлга тушириб, ИИБга олиб келишди. Айни пайтда ҳазили зилга айланган машина ишқибози қилмиши учун жавоб беришга мажбур.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ТЕАТР – МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Маънавий тарбия ҳақида ҳар қанча даъватлар, назарий-илмий фикрлар билдирилса-да, жамият аҳли онги-тафаккурини, маънавиятини юксалтириш учун мазкур йўналишдаги фаолиятни пухта ва тизимли равишда ташкил этиш мақсадга мувофикдир. Зеро, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «...биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур».

Инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган санъат турлари ичида театр санъати алоҳида ўрин тутади. Бошқача айтганда, у бугун маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Театр санъати шаклланганга қадар жуда олис ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Асрлар, йиллар оша ривожланди, синтетик санъат шаклида адабиёт, тарих, мусиқа, тасвирий санъат, рақс ва архитектурани ўзида мужассам этди, охир-оқибат инсониятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди.

Ўзбек миллий театр санъати ҳам тарихан катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйинлари ва томошаларига бориб боғланади. Муайян воқеликни бадиий образлар воситасида акс эттирадиган ўзига хос оммавий, халқчил санъат тури сифатида миллий театр санъати халқимиз ҳаёти, унинг маънавияти ҳамда маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, миллий дунёқарашимизни замон талаблари даражасида бойитишда унинг алоҳида аҳамияти бор. Шу боис ҳам Юртбошимиз: «Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театр – бу ибратхонадир», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир», – деб таъкидлаган эди.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон ҳудудида бу санъат тури қадим замонлардан, аниқроғи, милоддан аввалги биринчи минг йилликлар ўрталарида шакллана бошланган ва Шарқнинг бошқа театрлари каби диний маросимлар, тақлидий ўйинлар, халқ қаҳрамонлик томошалари, паҳлавонлик ўйинлари кўринишида намоён бўлган. Асрлар оша кўчакўйларда, айрим ҳолларда ёпиқ жойларда томошалар қўйилган. Ва ниҳоят, XX асрнинг бошларига келиб бу санъат тури – театр сифатида вужудга келди. Ўзбек миллий театри ўз ижодий йўлини 1914 йил 24 февралда Тошкентнинг «Колизей» театри биносида намойиш қилинган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари билан бошлади. Шундан кейин Нусратилла Қудратилланинг «Тўй», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Ҳожи Мўъйиннинг «Мазлума хотин» пьесалари саҳналаштирилди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Катта ўзбек драма театрида бирмунча юксалиш юзага келди. 1930 йил 7 июнь куни Москвада театр санъатининг I олимпиадаси очилди. Унда ўзбек театрининг «Пахта шумғиялари», «Ҳужум», «Фарҳод ва Ширин» мустақил спектаклларини намойиш этилди. 1935 йил 11 февраль куни буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Чунончи, ўша кезлари Тошкентга меҳмон бўлиб келган машҳур чех журналисти Юлиус Фучик ўз таассуротларини шундай ёзди: «Бу ҳақиқий шекспирона «Ҳамлет», ажойиб драма бўлибди. Ундаги фожианинг ҳақли эканлигини шаксиз ҳис этасан, тилни билмасанг ҳам! Ҳар бир сўзидан Шекспир овозини тинглайсан. Актёрнинг кескин сўзлари, юришлари, ҳаракатлари чинакам қудратли театр маданиятидан дарак беради. Ўзбек театрининг бу спектакли Европа театрларининг энг яхши постановкалари билан беллаша олади».

Ўзбек Миллий академик театри ўзининг бир асрлик фаолияти давомида ўнлаб, юзлаб асарларга қўл урди. Жаҳонга машҳур драматургларнинг ўлмас асарлари, миллий ўзбек драматургияси намуналари катта маҳорат билан намойиш қилинди. Айниқса, театрнинг истиқлол йиллари яратилган кўплаб спектакллари нуфузли халқаро фестивалларнинг совринларига муносиб кўрилди. Драматург Эркин Хушвақтовнинг «Чимилдиқ» асари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олиниб, 1997 йили Мисрда ўтган халқаро театр фестивалида муваффақият билан намойиш қилинди. «Қирмизи олма» драмаси эса 2005 йили режиссёр Мунаввара Абдуллаева томонидан саҳналаштирилди ва халқаро «Улус» театр фестивали бош совринига сазовор бўлди. Яна бир спектакль – «Аёлғу» (режиссёр – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров) 2004 йили Туркияда бўлиб ўтган «Макон» халқаро фестивалидан совриндор бўлиб қайтди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қирққа яқин миллий театр ва театр студиялари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ўнлаб нодавлат, хусусий театрлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда бой меросимизга таяниб ижод қилиш, миллий, умумбашарий қадриятлар ҳамда анъаналарни намойишига интилиш жиддий тус олди. Театрлар репертуарларида тарихий мавзунинг салмоғи ошди. Буюк аждодларимиз – алломалар, шоирлар, тарихчилар, давлат арбоблари, лашкарбошиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ўнлаб саҳна асарлари яратилди. Шунингдек, миллий ватанпарварлик, қаҳрамонлик мавзуларидаги саҳна асарлари, аҳоли, айниқса, ёшлар, шу билан бирга ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Истиқлол йилларида республикамизнинг Фарғона, Хива, Қарши, Наманган, Термиз каби шаҳарларида қўғирчоқ театрлари иш бошлади. Аббос Бакиров номидаги ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, Андижон болалар ва ёшлар театрига айлантирилди. Юртимизда ўтказилган «Шарқ ва Ғарб» театр санъати фестивали, «Ҳумо» халқаро ёшлар театрлари фестивали, «Наврўз», «Андижон баҳори» республика театр фестивалларидаги, Германиянинг «Андре Рур» театри ҳамда «Мулоқот» театри студияси ҳамкорлигида тузилган «Ипак йўли – театр саёҳати» лойиҳаси асосида ўтказилаётган икки томонлама анжуманлар театр санъатининг янги ижтимоий шароитда ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори театр санъати истиқболини белгилаб берди. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлардаги ижодий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Америкалик режиссёр Девид Каплан, британиялик Майкл Беркутнинг мамлакатимиз театрларида, ўзбекистонлик саҳна усталарининг Франция, Исроил, АҚШ сингари хорижий давлатларда драматик асарларни саҳналаштиргани фикримизга мисолдир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида театрлар фаолиятига тўхталаркан: «Айни пайтда театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар, афсуски, кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал ҳақиқатдан йироқ, одамга катта маънавий озуқа бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда. Албатта, ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш – барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий. Бу мақсадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш, айниқса, долзарб аҳамият касб этади» дея алоҳида таъкидлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, театрнинг оммавий таъсири унинг қисқа муддатда катта аудиторияни қамраб олиб, маълум бир ғояни бир вақтнинг ўзида кўпчиликнинг онгига сингдира олиши ҳамда унинг пухта тарбия ўчоғига айланиши билан муайян даражада бошқа санъат турларидан ажралиб туришидир.

Шу ўринда юртимиздаги отахон театрлардан бири – Ўзбек давлат драма театрида турли йилларда таниқли саҳна усталари фаолият кўрсатганини қайд этиш лозим. Айни пайтда ижодий жамоада Ўзбекистон халқ артистлари – Афзал Рафиқов, Элёр Носиров, хизмат кўрсатган артистлар – Доно Бобохонова, Неъмат Алимов, Мадина Тўхтаева ва бошқа кўплаб таниқли актёрлар ўз устозлари ишини давом эттиришмоқда. Айниқса, кейинги йилларда театрда кўплаб ёш истеъдодларнинг кашф этилгани ижодий гуруҳнинг ёшариб бораётганини кўрсатади. Театрнинг изланувчан режиссёри Сайфиддин Мелиев саҳналаштирган «Бахт эшик қоққанда», «Қуроқ», «Медея», «Жийдалилар», «Эзгулик йўлида», «Кўкка учган орзулар», «Мувозанат» каби спектакллар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Бунинг сабаби шундаки, уларда даврнинг айни пайтдаги энг долзарб мавзулари ўзининг бадиий инъикосини топган. Айниқса, таниқли драматурглар Шуҳрат Ризаев ва Нуруллоҳ Аббосхонларнинг «Эзгулик йўлида» ва Улуғбек Ҳамдам романи асосида саҳналаштирилган «Мувозанат» спектакли ўзига хос воқеа бўлди.

Театр – маънавият маскани, инсонни маънавий камолотга етакловчи муқаддас даргоҳ. Шундай экан, у халқимизни, ёшларимизни Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, юксак маънавиятга эришишда муҳим восита бўлиб қолаверади.

Карим НОРМАТОВ,
профессор.

Қонун ва ижро

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бугунги кунда юртимизда тўрт мингга яқин милиция таянч пунктларни тўққиз ярим мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

2014 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда мутасадди вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилаб берилди. Шу билан бирга, у соҳадаги фаолиятнинг замонавий принцип, механизмларини яратиб, мазкур тизимга янгича ёндашув имконини берди. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш борасида умумий, махсус, якка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика тадбирларини ташкил этиш қонун билан мустаҳкамланди. Қонунда айрим атамалар ёки асосий тушунчаларга ҳуқуқий таърифлар берилгани фуқароларимизнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Профилактика инспекторлари маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бирга, жиноят содир этиб жазодан қочиб юрган қидирувдаги шахсларни топиб, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлайдилар. Шунингдек, бедарак йўқолган фуқароларни аниқлаб, оиласига қайтариш, ноқонуний сақланаётган қуролларни топиш, яшаш ва иш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация марказларига жойлаштириш ҳам улар зиммасидаги вазифалар сирасига киради. Қолаверса, хизмат ҳудудидаги гиёҳвандларни, тери-таносил, руҳий ва сил касаллигига учраган, спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни даволовчи диспансерларга ихтиёрий ёки мажбурий тартибда даволанишга юбориш ҳам уларнинг зиммасида. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишади, суд, прокуратура, солиқ, мудофаа, маҳаллий ҳокимият ва бошқа органларнинг сўровномалари асосида уларга амалий ёрдам кўрсатишади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий-ижтимоий масалаларга оид тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади ҳамда ҳисобот учрашувларини ўтказишади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишади. Булардан ташқари, профилактика инспекторлари ҳозирги пайтда маҳалла раисларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибида фаолият кўрсатаётган саккизта асосий йўналиш бўйича комиссиялар ишини ташкил этишда кўмаклашишмоқда. Жумладан, ёшлар орасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ва спорт масалалари бўйича комиссия вакиллари билан «Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги» Концепциясида қўйилган вазифаларни бажариш, ёшларга оид давлат сиёсатини фуқароларга тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Ўтган давр мобайнида Қонунни ҳаётга татбиқ этиш, унинг талаблари ижросини тўлақонли таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий тадбирлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ва соҳавий хизматлардан олинган таклиф ва мулоҳазалар асосида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Йўриқнома ишлаб чиқилиб, вазирликнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланди, янгиланган ҳисобот шакллари амалиётга татбиқ этилди.

Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий фаолият йўналишлари, уларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш тартиблари, уларнинг иш фаолиятини баҳолаш мезони ва тартиби белгилаб берилди. Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи субъектлар билан ҳамкорликда «Расмий огоҳлантириш» шакли (*бланкаси)* ишлаб чиқилди.

Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг «Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳамда ҳуқуқбузарлик фактлари юзасидан ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув дастурларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ўқув машғулотлари киритилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси йўналишида жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура органлари, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари, давлат солиқ инспекцияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тегишли идораларга саккиз мингдан ортиқ тавсия, тақдимнома ва ахборотномалар киритилди. Аҳоли ўртасида қирқ беш мингдан зиёд тарғибот-ташвиқот ва ҳисобот учрашувлари ўтказилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан телевидениеда уч юздан ошиқ кўрсатув, радиода бир минг уч юзтага яқин эшиттириш, газета, журнал ва интернет саҳифаларида 586 та мақола чоп этилди. Олиб борилган тадбирлар натижасида талончилик 13, босқинчилик 14,7, товламачилик 22,1, номусга тегиш 24,2 фоизга камайишига эришилди.

Ҳар йили республикамизда «Тозалаш», «Назорат», «Орият», «Турмуш», «Қорадори», «Қидирув», «Ўсмир», «Давомат», «Арсенал» каби бир қанча тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Тозалаш» тадбирларида паспорт-виза қоидаларини бузган, жиноят содир этиб жазодан қочиб юрган қидирувдаги шахслар аниқланган бўлса, «Ўсмир» ва «Давомат» тадбирларида дарсларга бормаётган ўқувчиларни ўқишга қайтариш чоралари кўрилди. «Орият» ва «Турмуш» тадбирларида эса оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли бўлган оилалар, енгил табиатли аёллар аниқланиб, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинди. Улар билан маҳалла фаоллари, хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари аъзолари ёрдамида тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида аёллар томонидан ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар сезиларли даражада камайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг асосий кулминацион фаолияти, яъни барча амалга оширилаётган ишларнинг мағзи ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ҳамда уни содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий, ижтимоий, ҳуқуқий таъсир кўрсатишга доир фаолиятидир.

Бунда ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисоби юритилади. Тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиб, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзи шакллантирилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар аниқланади. Ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Бундай тадбирлар давомида ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобида турган шахслар тиббиёт муассасаларининг ҳисобига қўйилиб, даволаш учун диспансерларга юборилмоқда. Диний-экстремистик оқимлар ёки бошқа деструктив характердаги кучлар таъсирига тушиб қолган, мафкуравий иммунитети шакланмаган шахслар, айниқса, ёшлар билан тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Натижада уларнинг 90-95 фоизи тузалиш йўлига кирдилар. Оилавий жанжалкашлар, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаган фарзандларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Муайян шахснинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси маҳаллада фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиради, ҳуқуқбузарликлар содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади. Аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар берилади. Бунга уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Яъни, кенгроқ изоҳлайдиган бўлсак, маълум бир ҳудудларда, хонадонларда, ташкилот-корхоналарда барча турдаги ахборот манбалари, яъни давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, мутасадди ташкилот, корхоналар, марказлар, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий хавфли аҳволда ёки жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган шахслар аниқланади. Уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, ҳимояланиш усуллари ўргатилади. Ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган жойлар, сабаб бўлаётган шарт-шароитлар олдиндан ўрганилиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этиш билан боғлиқ тизимли иш олиб борилади.

Профилактика инспекторлари, қўриқлаш хизмати ходимлари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида икки мингга яқин хонадон янгидан техник қўриқлаш пультларига уланди. Ҳозирда соҳа ходимлари томонидан жами саккиз мингдан ортиқ хонадоннинг ишончли қўриқланиши таъминланмоқда. Маҳаллаларда жойлашган савдо-сотиқ шохобчалари ва ижтимоий хизмат кўрсатиш объектларининг ўн икки мингга яқини техник қўриқлаш пульти ёрдамида қўриқланмоқда. Йил бошидан буён эса бир минг уч юздан ортиқ объект қўриқлаш пультларига уланди. Бунинг натижасида мазкур хонадонлар, савдо-сотиқ шохобчалари ҳамда корхона ва ташкилотларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинишига эришилди.

Олиб борилган умумий, якка тартибдаги, махсус ва виктимологик профилактик ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври давомида барча йўналишларда содир этилган жиноятлар 1,62 фоизга, оғир жиноятлар 16,4 ва ўта оғир жиноятлар 10,5 фоизга, вояга етмаганлар жиноятчилиги 13,1 ва аёллар жиноятчилиги 17,1 фоизга камайишига эришилди.

Бундан ташқари, мазкур қонунга асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг кўламли профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида беш мингга яқин маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи,
подполковник.

Нуқтаи назар

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ:
ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

Дунёдаги давлатлар, халқлар, миллатлар, сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар, айниқса, ижтимоий жараёнлардаги мафкуравий таъсирлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этмасдан қолмайди.

Бу борадаги энг долзарб вазифа – ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғусини чуқур сингдириш, миллий ғурурни тарбиялаш масаласидир. Ушбу вазифа билан узвий боғлиқ бўлган муаммо – ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини, ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, дахлдорлик ҳиссини, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш туйғусини оширишдан иборат.

Шу маънода олиб қаралганда, ҳар қандай жамият ўз истиқболини кишиларнинг эътиқод даражасига айланган муайян ғоясида кўради. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Юқоридаги фикрларга таяниб, миллий ғоя ва мафкуранинг шакллашишида таълим-тарбия тизимининг ўрни нимадан иборат, деган масалага ойдинлик киритиш зарур. Ушбу жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услублари, воситалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши лозим. Миллий таълим-тарбия тизимининг турли шакл ва воситалари баркамол авлодни шакллантиришдан иборат бош мақсадга эришишни таъминловчи халқимизнинг миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларига асосланади.

Ҳар бир давлат ўз аҳолисини, айниқса, билим ва янгиликка чанқоқ ёшларини билим, маърифий-маънавий озуқа бўладиган ахборот билан таъминланишидан манфаатдор. Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал «ахборот сиёсати» шакллантирилди ва ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Таълим жараёни дунё бўйича турли мамлакатларнинг яқинлашуви, том маънода глобал, инсоният цивилизацияси тақдирини ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб омиллар билан белгиланади. Улар орасида юзага келган умумий ва миллий ўзига хосликлар алоҳида ўрин тутади. Таълимнинг ноёб имкониятлари ҳозир нафақат инсон ақлини янги тезкор маълумотлар билан қуроллантириш, балки унинг онгини қайта қуриш билан ҳам боғлиқ. Инсоният цивилизацияси ривожининг янги босқичи инсоннинг шаклланиш жараёни, шахсий фазилатлар, ҳаётий мақсадлар ва қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиради.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ўз навбатида, бу соҳада янги, замонавий, илғор ахборот технологияларини изчил жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўқувчи бу жараёнда қай даражада фаол қатнашаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, янги ўқитиш услублари, шакллари таълим олувчиларга мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш учун имконият яратади.

Навқирон авлод давр руҳида маънавий камол топиб, буюк аждодларимизнинг барҳаёт маънавий меросидан баҳраманд бўлиб, замонавий билимларни эгаллаб, уларни онги, шуурига сингдириб бормас экан, ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга эришишимиз, нурли истиқболимизни бунёд этишимиз қийин. Шу боисдан ҳам ёшлар тарбияси, уларни баркамол инсонлар этиб шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида комил инсон ва етук малакали мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги бош мақсадни ташкил этади. Зеро, мазкур дастур фақат таълим-тарбиядан иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Яъни, бу шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги, ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бири билан алоқасини акс эттиради.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўзининг «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида батафсил фикр баён этади. IX-X асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўплаб иш олиб борганлар. Бу хайрли ишга тасаввуф олами алломалари – Нажмиддин Кубро, Фариддин Аттор, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Уларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди.

Глобаллашув асри бўлган XXI асрда психологик уруш ва ахборот хуружлари ҳам айрим геосиёсий кучлар қўлида ўз гегемонлигини ўтказишнинг ўзига яраша таъсир воситаси бўлиб бормоқда. Улар аксарият ҳолларда ёшлар аудиториясига қаратилган. Чунки бундай урушнинг моҳияти рақибни осон йўл билан, қаршиликсиз енгишдир. Яъни, бунда маълумотлар оқими шундай етказиладики, уларни қабул қилувчи шахс қаршилик кўрсатиш бемаъни иш эканлигига ишониб қолади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали атайлаб қарама-қарши тусдаги маълумотлар узлуксиз бериладики, бу ҳам охир-оқибат одамларнинг маънавий идроки сусайишига олиб келади. Бу ҳаракатларнинг барчаси тингловчи, томошабин ёки ўқувчининг фикрини ўзгартиришга қаратилгандир.

Дунёқарашимизга ҳамоҳанг тарзда шакллаиб бораётган амалий хатти-ҳаракатларимизда янгиликлар шу қадар кўпки, уларни охирги пайтда ижтимоий инновациялар тушунчаси орқали изоҳламоқдамиз.

Ижтимоий инновациялар – бу инсон ақли ва кучи, маънавий дунёсининг мутаносиблиги шароитида унинг моҳиятини сақлаш, ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, самарадорлигига эришиш йўлларини кўрсатувчи қарашлар мажмуи бўлиб, у бугунги кунда ҳар биримизнинг турли ташқи ва ички маънавий тазйиқлардан ҳимояланишимизнинг кафолатларини белгилайди.

XXI аср ёшлари турли-туман мафкуралар тажовузи кучайиб бораётган шароитда яшамоқда. Бундай вазиятда таълим ва тарбия ёшларимизда ҳар қандай ёт мафкуравий таъсирга қарши муайян муносабат ҳамма жойда ҳар доим намоён бўлишини таъминлашга қодир бўлмоғи керак. Ушбу ўта муҳим ижтимоий муаммо ечилмас экан, келгусида ёшларимизнинг ёт мафкуралар таъсирига қарши жавоб қайтара олмаслиги табиий. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Ёшлар тарбияси масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини шахснинг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (иймон), ҳуқуқ, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятлар орқали тўғри идрок қилиш мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини, мавқеини, жамият, Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари, виждони орқали чуқур тушуниб олса, бу мустақил фикри бўлса, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

«Ҳар бир инсон учун, – деб таъкидлаган эди Ислом Каримов, – Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғликдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллий манфаат нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз». Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти-ни шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир», – дейди.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши маънавий-маърифий ишлар, миллий сиёсатимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланиши, бу борада амалга оширилган кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар халқимизнинг феъл-атвори, тафаккуридаги ўзгаришларга жиддий туртки берди. Иккинчи жиҳатдан эса, мамлакатимизда ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ҳар жиҳатдан мунтазам кенгайиб бораётгани ҳам кишиларимиз дунёқараши, турмуш тарзида янгича хусусиятларни таркиб топтираётир.

Бинобарин, ҳар қандай тараққиёт ва тамаддун турли халқлар маънавияти, маданияти, эришган ютуқлари, интилишлари уйғунлашувидан туғилади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги ўта мураккаб, қалтис ва масъулиятли даври маънавий-маърифий ишлар, мафкуравий таълим-тарбия марказида ёш авлод туриши зарурлигини, фарзандларимизнинг ақл-заковатли, теран фикрли, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбиялашишига жиддий эътибор беришни талаб этади. Уларнинг турли ёт оқимлар, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишига асло йўл қўйиб, бепарво қараб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси глобаллашув туфайли тобора ривожланиб бораётганлигини, турли манфаатларга хизмат қилувчи мафкуралар, қараш-лар ўртасида қизғин кураш кетаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай шароитда дунё халқлари ўртасида алоқалар ривожланиб, маданиятлар бойиб бориши билан бирга, алоҳида миллатлар маънавиятига таҳдидлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шундай экан, таълим-тарбия тизимини мунтазам такомиллаштириб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш, миллий моделнинг ҳаётийлигини, уни миллий ғоя тамойиллари билан узвий алоқадорликда ривожлантиришни таъминлай олишимиз зарур. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган кўлами ва моҳиятига кўра, улкан ишларимиз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаётни барпо этишимизга асос бўлмоқда.

Ғанишер ҚОДИРОВ,
ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти кафедра бошлиғи лавозимини вақтинча бажарувчи, подполковник.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

БУНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Биринчи мақола

Коррупциянинг халқаро хусусиятга эгалиги бутун дунёда эътироф этилган. Бу унинг универсаллигида, халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар самарадорлигини кескин пасайтирувчи трансмиллий турлари пайдо бўлганида ўз ифодасини топмоқда. Коррупция ҳодисасини деярли исталган давлатда кўриш мумкин. Ушбу иллатга қарши курашиш масаласи борган сари муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки коррупция давлат институтлари ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид солувчи ижтимоий хавфли ҳодисадир.

Ушбу ижтимоий хавфли ҳодиса барча мамлакатларда учраяди, бироқ ривожланаётган давлатларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашда кескин самарали чоралар кўрилмаслиги сиёсий муаммога айланади. Мамлакат конституциявий тузумининг асосларига путур етказувчи миллий офат миқёсига чиқиши мумкин. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов халқимизнинг фаровонлиги, хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги устувор йўналишлардан бири сифатида коррупцияга қарши қатъият билан кураш олиб бориш кераклигини, бу ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти эканлигини таъкидлаган.

Мамлакат иқтисодиётига таҳдид соладиган ушбу ижтимоий ҳодиса порахўрликда намоён бўлади. У хизмат кўрсатиш чоғида ўз мансабини суиистеъмол қилувчи амалдорлар билан шу хизматдан фойдаланувчи фирмалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўртасида юз беради. Коррупция бозор қоидаларига биноан хизмат кўрсатиш учун ғайриқонуний ҳақ олишдир. Бу иллатнинг илдизини қирқмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Унга қарши кураш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқ бўлади.

Коррупцияга қарши курашишда, аввало, фуқаролар, айниқса, ички ишлар идоралари ходимларида маърифат, билим, инсоф, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантириш жуда муҳимдир. Умуман олганда, коррупцияга қарши маърифат маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Инсон тирик экан, у атроф-муҳитнинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, ахлоқий таъсири остида яшайди. Зеро, биз атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ахлоқий баҳо беришга интиламиз. Коррупцияга қарши маърифат республикамиз ички ишлар органларида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, осойишталик посбонларини коррупцияга қарши кураш руҳида тарбиялашда бой касбий ва ҳаётий тажрибага эга, ҳар томонлама мақтовга сазовор, ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозона олган ходимларнинг шахсий намунаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, шахснинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари кўпинча ижтимоий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Шу боис жамоадаги ахлоқий-руҳий иқлим алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятдаги мавжуд иллатларга қарши кураш ҳар бир ходимнинг ички ахлоқий-руҳий маслаги ва эътиқодига айланиши коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қилади. Мазкур талаблар кейинчалик ҳар бир ходимнинг нафақат касбий фаолиятида, балки ҳаётида ҳам йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қилади. Бунда аҳолининг турли қатламларида коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида зарур билимларни, ахлоқий принцип ва меъёрлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Кўриниб турибдики, ходим мазкур қоидага амал қилиши учун хавфли коррупцион хулқ-атвор нима, унинг кўринишлари қандай, унга нисбатан муросасизлик нима эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур.

Бошқа тарафдан, коррупцияга қарши тарбия инсонда у томонидан идрок қилинган ва ўрганилган маънавий-ахлоқий тафаккур асосида амал қилиш ва ҳаракат қилиш бўйича чуқур ички эҳтиёжни яратишдан иборатдир. Шунингдек, ички ишлар органларида коррупцияга қарши маърифат тизимига тегишли тарзда касбий маданиятнинг «хизмат бурчи», «касбий обрў», «ходимнинг шахсий шаъни» каби тушунчалари алоҳида аҳамият касб этади. Башарти, қилмиш ва унинг оқибатлари инсоннинг бурч, шаън, қадр-қиммат тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлса, у бундай хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тияди. Натижада қилмиш сабаблари ва унинг юзага келиш оқибатлари ҳақидаги тасаввурларнинг тўлиқ бир-бирига мос келиши коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши ҳаракатлар учун қудратли рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ходимлар томонидан қонунларнинг чуқур ўзлаштирилиши коррупцияга қарши маърифатни муваффақиятли амалга ошириш учун дастлабки шарт бўлиб хизмат қилади. Коррупцияга қарши маърифатнинг муҳим вазифаларидан бири ходимларда мустаҳкам ишончни шакллантириш, унга мувофиқ равишда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз фаолиятларини амалга оширишдир. Зеро, коррупция, аввало, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни камситилишига, асосий сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Ахлоқий эътиқодлар инсон фаолияти ва хулқ-атворининг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Улар инсон томонидан риоя этилиши зарур ҳисобланган, унинг онгида чуқур илдиз отган ва қоидага айланган меъёр, олий мақсад, маънавий қадриятларни ўз ичига олади. Айнан улар мақсад сифатида ходимнинг коррупцияга қарши хулқ-атворини белгилайди. Зарур маънавий-ахлоқий эътиқодга эга бўлган ходим хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик ва коррупцион хулқ-атворни ўзига эп кўрмайди.

Ички ишлар идоралари тизимидаги ҳар қандай поғонадаги раҳбар, аввало, халқ ишончини оқлашга интилиши, қўл остидагилари олдидаги масъулиятни ҳис қилиши лозим. Унинг бутун иш фаолияти Ватан равнақига, халқ ичида ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчиларининг обрўсини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир раҳбар қонунга, касб маданиятига оғишмай риоя қилиши, ўзининг виждонлилиги, ҳалоллиги, адолатлилиги, тамагирликка муросасизлиги билан қўл остидагиларига шахсий намуна бўлиши лозим. Ходим шахсидаги ватанпарварлик, ҳалоллик, талабчанлик ва шу каби шахсий сифатлар ҳар қандай коррупцион кўринишларга қарши ишончли тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Ўз фаолиятида бир марта бўлса-да, коррупцион хатти-ҳаракатга йўл қўйган ходим ўз касбига номуносиб иш қилган бўлади. Коррупцион муносабатда иштирок этиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат унинг ўз касбига нолойиқлигини кўрсатади. Бундан ташқари, унинг бундай қилмишлари қонун томонидан қаттиқ жазоланади. Ўз манфаатлари «қули»га айланган, уларни давлат ва жамият манфаатларидан юқори қўйган ходим, шубҳасиз, коррупциянинг ўлжасига айланади. Маънавий дунёси чегараланган одамлар эртами-кечми ахлоқий тубанликка юз тутадилар. Айнан шундай муҳитда коррупция юзага келади. Бежиз халқимиз «Одам бўлиш астааста, ҳайвон бўлиш бирпасда», деб айтмаган.

Коррупцияга қарши курашишда, аввало, фуқаролар, айниқса, ички ишлар идоралари ходимларида маърифат, билим, инсоф, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантириш жуда муҳимдир.

Фуқаролар тинчлигини, уларнинг осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминловчи ички ишлар органлари жамоаси шаънига битта ноқонуний ҳаракат, бир-гина тамагирлик ҳолати билан доғ тушириш мумкин. Шу боис, ҳар бир ходим ўзига юклатилган масъулият даражасини теран англаши зарур. Ушбу соҳа вакили учун зарур бўлган касбий ва маънавий сифатлар кўпгина норматив ҳужжатларда ўз аксини топган. Ходимларда ижобий ахлоқий сифатларни, эзгу ишларни амалга ошириш, ижтимоий фойда келтириш истагини қарор топтириш ва ривожлантириш коррупцияга муросасизликни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Республика ички ишлар органлари тизимида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

▶ осойишталик посбонларида Ватанига, қасамёдига ва бурчига содиқликни шакллантириш;

▶ ходимларни Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ИИВ буйруқларига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

▶ ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг аҳоли орасидаги обрў-эътиборини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хизмат вазифаларини, хизмат интизоми меъёрларини, қонунийлик ва касб маданияти талабларини бажариш орқали мустаҳкамлаш;

▶ ходимда юқори ҳуқуқий онгни ва маданиятни, ватанпарварлик ва шу каби юксак ахлоқий-руҳий сифатларни ривожлантириш.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши умумий ва махсус хусусиятга эга турли чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, бу вазифаларни давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари орасида тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, коррупцияга шарт-шароит яратиб берувчи сабабларни бартараф этиш бўйича умумижтимоий ва махсус чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳар бир ходим мураккаб шароитларда жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичи қандай кечаётганлигини чуқур идрок қилиши, хизмат ва турмушда хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиши, жамият ва давлатга хизмат қилишда масъулиятни тушуниб етиши лозим.

Ички ишлар идораси ходими кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг жабрланувчи ёки ҳуқуқбузар мурожаат этадиган биринчи вакили ҳисобланади. У биринчи бўлиб қонунга зид қилмишга баҳо беради ва давлат номидан қонун талабларини бажарган ҳолда жамоат тартибини бузувчиларга мажбурлов чораларини қўллайди. Айнан шу боис юксак касбий маънавият ва ахлоққа эга ходим қасамёдига, бурчига содиқ қолган ҳолда қуйидаги маънавий-ахлоқий мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

▶ ўз фаолиятида давлат ва хизмат манфаатларининг шахсий манфаатларидан устуворлигига амал қилиш;

▶ касбий фаолият ва шахсий ҳаётда қонун талаблари, хизмат интизомига қатъий риоя қилиб, ҳар қандай шароитда хизмат манфаатларига содиқ бўлиб қолиш;

▶ инсон қадр-қимматини камситувчи, оғриқ ва азоб-уқубат етказувчи ҳар қандай ҳаракатларга муросасиз муносабатда бўлиш;

▶ жиноятчиликнинг олдини олишда, ҳар қандай хавф-хатар олдида мард ва довюрак бўлиш;

▶ жиноятчиликка қарши муросасиз курашиш олдига қўйилган мақсадларга фақат маърифат ва қонуний йўл билан эришиш;

▶ касбий фаолиятда ва мулоқотда бошқаларга хушмуомала ва самимий муносабатда бўлиш;

▶ ички ишлар органларининг йиллар синовидан ўтган ижобий анъаналарини сақлаш ва бойитиш.

Ходим ахлоқий мажбуриятларни бекаму кўст бажарар экан, жамоада ҳурмат-эътибор қозонади, фуқароларнинг унга нисбатан ишончи ортади. Касбий бурч, обрў-эътибор ва қадр-қиммат ҳуқуқ-тартибот посбонининг хизмат фаолиятида ва коррупцияга қарши хулқ-атворида маънавий-ахлоқий мақсад бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ходимлари коррупцияга қарши кураш олиб бориши сабабли муайян билим, малака ва кўникмалардан унумли фойдаланиш зарурати юзага келади. Булар қуйидагилардан иборат:

▶ ҳуқуқий нормалар мазмунмоҳияти ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳаёти ва касбий фаолиятида ахлоқнинг аҳамиятини чуқур англаш;

▶ ўзига нисбатан талабчанлик, виждонлилик, поклик, доимий равишда ўзини ўзи камол топтиришга интилиш;

▶ қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда касб маданиятига риоя қилиш, хизмат вазифаларини бажаришда масъулият, касбга муҳаббат, ҳалоллик каби сифатларни шакллантириш;

▶ жамоада соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни яратиш, ҳамкасблар орасида ўзаро ижобий муносабатларни яратиш;

▶ ҳар қандай кўринишдаги касбий бузилиш кўринишлари, жумладан, манманлик, кибру ҳаво, фуқароларга адолатсиз муносабатда бўлиш, қўполлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик.

Коррупцияга қарши кураш асослари ходимнинг илк фаолияти босқичларида шаклланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида амалга оширилаётган ўқув-тарбия жараёни ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш элементларини қамраб олади. Икки йилдан буён ўқитилаётган «Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш» махсус курси ана шу мақсадни кўзда тутади.

Мазкур курснинг ўқув жараёнига киритишдан мақсад Академия тингловчилари, курсантлари, малака ошириш курсларига жалб этилаётган ички ишлар идоралари ходимлари, шунингдек, Олий академик курсларида таҳсил олаётган ички ишлар органларида раҳбарлик лавозимларига номзод ходимлар томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида акс эттирилган ғояларни чуқур тушуниб етишдан иборат.

Мазкур курс доирасида ўтказиладиган ўқув машғулотларида инсон ва жамият ҳаётида ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик, ўз касбига фидойилик, виждонлилик каби миллий қадриятларнинг ўрни, моҳияти очиб берилади. Мазкур шахсий фазилатлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиради.

Шариф ҚОБИЛОВ,
ИИВ Академияси доценти,
полковник.

СИРЛИ ГУВОҲ

Детектив

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Майор Темировга уни кимдир йўқлаб келганини айтишди.

– Мен Чўлариқ қишлоғиданман, – деди йигит ўзини таништириб. – Отам қассобчилик қиладилар. Яқинда профилактика инспектори февраль-март ойларида от сўйганмидинглар, деб суриштирган экан. Отам бир одам сотиб беринг, деб от гўшти ташлаб кетганини айтиб қолдилар. Ўзлари бетоб бўлганлари учун келолмадилар.

– Қани кетдик, уйингизга борамиз, – деди майор ўрнидан турар экан.

Қосим қассоб майор Темировнинг келишини кутмаганди, озгина ҳаяжонланди. Ўрнидан туриб ўтирди-да, секин гап бошлади:

– Март ойларининг боши эди. Бир йигит уйимизга келди. Отим қоқилиб оёғини синдириб олди, жонивор қийналмасин, деб сўйиб юбордик, деди. Отни қассоб сўймагани билиниб турарди. Йигитнинг кайфияти ёмон, икки-уч марта «уф» тортгандан кейин кўнглини кўтариш учун куйинманг, ўрнига бошқасини оларсиз, дедим. У янада чуқур хўрсиниб, улоқчи от эди-да, деди.

– Унинг кимлигини, қаердан келганини суриштирмадингизми? – сўради майор.

– Хотирам панд бермаса, Хўжамозор қишлоғиданман, деди. Гўштни қора «Волга»да олиб келганди.

Хўжамозор қишлоғидагилар кимда қора «Волга» борлигини яхши билишади. Бир пайтлар туман матлубот жамиятида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Ҳошим ака лотереяга «Волга» ютиб олади. Кимдир текшир-текширдан қўрқиб, машинани лотереяга ютиб олдим деяпти, деса, яна кимдир омадли одам экан, қандини урсин, деди. Ҳошим акадан кейин ўғли отамдан қолган эсдалик деб ҳанузгача миниб юради.

Ўша куниёқ Баҳромни ички ишлар бўлимига олиб келишди. У билан майор А. Темировнинг ўзи суҳбатлашди.

– Отни менга Жўра чавандоз ташлаб кетганди, – деди Баҳром саволга жавобан. – У билан кўпкарида танишганман. Икки-уч марта уйимга ҳам келган. Ўша куни Қумариқ қишлоғида улоқ бўлди. Мен боролмадим. Кечки пайт Жўра чавандознинг ўзи тулпорини миниб бизникига келди. Кайфияти ёмонроқ эди. Суриштиргандим, акасидан қарзи борлигини, қистаётганини айтди, мендан пул сўради. Чет элга бориб ишлаб келаман, отимни эса сизга ташлаб кетаман, бошқаларга ишонмайман, деди. Мен унга майли, пул бериб тураман, лекин хорижга кетманг, дедим. У кўнмади. Танишларим бор, чақиришяпти, кузгача ишлаб келаман, келиб қарзингизни бераман, деди. Айтган пулини бердим. Отини бостирмага боғлаётганида, шунча пул билан кўчада юрманг, машинада ташлаб келаман, дедим. Овора бўлманг, кўчада такси кўпку, дея унамади. Кузатиб чиқдим, қучоқ очиб хайрлашди, кейин гузар томонга қараб кетди.

Эртаси куни қўшни қишлоқдаги қариндошимизникида тўй бор эди. Отни отхонага боғлаб, сув бердим, охурга беда тўлдирдим. Кейин хотиним, болалар билан тўйга кетдик. Тўйда негадир юрагим ғаш бўлиб кўпам ўтиролмадим. Мазам бўлмаяпти, деб қайтиб келдим.

Уйга кирсам отхонада дўпир-дўпир, от кишнаб, югуриб ўзини ҳар томонга ураяпти. Ҳайрон бўлиб, отхона эшигини очганимни биламан, жонивор сакраб чиқиб келди-да, дарвозахонага қараб чопди. У ерда машинани созлаш учун чуқур қазилган эди. Оёғи ўша чуқурга тушиб кетди-ю, қаттиқ кишнаб юборди. Бориб қарасам оёғи қайрилиб, синибди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Жонивор бир-икки уринган бўлди-да, яна бир кишнаб, бошини қуйи солганча қолди. Кейин қийналмасин, деб пичоқ тортиб юбордим.

– Бирор марта Жўра чавандоздан хабар олдингизми? – сўради майор.

– Тўғриси, уйига боролмадим. Икки-уч марта қўнғироқ қилдим, жавоб бўлмади. У яшайдиган қишлоқда бир танишим бор. Кейин ўшандан суриштиргандим, чет элга кетибди, деб хабар берди.

– Айтинг-чи, у сизникига келганида ёнида уяли телефони бормиди?

– Ҳа, телефони бор эди. Тинчликми, нега Жўра ҳақида суриштиряпсиз? – дея ҳаяжонланди Баҳром.

– Ҳозирча ҳеч нарса дея олмаймиз. Сиздан пул олиб кетган куннинг эртасига кечки пайт унинг уйига икки киши машинада борган ва хотинига эрингиз чет элга шошилинч кетиб қолди, отни сотди, пулнинг бир қисмини уйга бериб қўйинглар, деб тайинлаганди, деб кичкина халтада пул ташлаб кетган. Шундан кейин Жўра чавандоздан хат-хабар бўлмаган. Олтинтепа харобасидан бир жасад топилди, ёнида уяли телефони ҳам бор. Текширувларда бу телефон Жўрага тегишли бўлиб чиқяпти.

Баҳром ўрнидан туриб кетди. Негадир унинг кўз олдида Қурбон писмиқ гавдаланди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишлади.

Буни сезган майор ҳушёр тортди:

– Сиздан қарз олганини кимлар биларди?

– Ишонинг, бу ҳақда мен ҳеч кимга, ҳатто хотинимга ҳам айтмаганман. От гўштини ҳам ҳеч кимга билдирмай қассобга олиб борганман.

– Майли, сизга рухсат. Уйингизга кетаверинг.

Баҳром уйига қайтар экан, унинг кўз ўнгидан Қурбон писмиқнинг совуқ башараси кетмасди: «Демак, ўша куни Жўра гузарга борганида Қурбон писмиққа дуч келган. Чунки у киракашлик қилади. Жўрани танийди, отда меникига келганини ҳам кўрган. Кейин эжиклаб суриштирган. Ёнида катта миқдорда пули борлигини билгач... Илгари бир кишини пичоқлаб қамалиб чиққан. Бу маразнинг қўлидан ҳар нарса келади». Баҳром шуларни ўйлаб, тўғри Қурбоннинг олдига борди.

– Жўравойнинг уйига бормоқчи эдим, обориб келасанми?

– Борардим-у, вақтим йўқроқ, – деди Қурбон баҳона қилиб.

– Биламан, машинанг янги, қишлоқ йўллари нотекис, шундан қўрқаётган бўлсанг, менинг машинамда борамиз. Озгина берадиган пулим бор. Ўзи чет элга кетган, оиласи қийналиб қолмасин. Савоб бўлади, бирга бориб келайлик.

Қурбон ноилож қолди. Машинасини уйда қолдириб, Баҳром билан йўлга чиқишди. Жўра чавандознинг уйи олдига келганларида, негадир Қурбоннинг ранги докадай оқариб кетди.

Баҳром машинадан тушиб, дарвозани тақиллатди. Бироз ўтиб, Жўранинг хотини кўринди. Баҳром ўзини таништириб, бироз гаплашди, кейин қўлидаги тугунчани берди ва Қурбонни чақирди.

– Мана бу йигит ҳам Жўранинг ошнаси бўлади, – деди уни кўрсатиб.

Қурбон базўр машинадан тушди. Аёл уни кўриб нимадир демоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Қурбон бўлса, сўрашган бўлиб бошини қимирлатиб қўйди.

Ортга қайтишаётганида Баҳром Жўравойни Қурбон ўлдирган, деган тўхтамга келди. Лекин бир ўзининг унга кучи етмайди. Шунинг учун маҳалла гузарида жойлашган милиция таянч пунктига олиб боришни режалаштирди.

Қишлоқ гузарига етиб келганларида Баҳром машинани тўхтатди.

– Мен оқсоқолга учрашиб чиқай, Жўранинг кичик боласига нафақа берилмаётган эмиш, суриштириб кўраман, – дея Баҳром машинадан тушиб ичкарига кириб кетди.

Қурбон вақтида жуфтакни ростламаса қўлга тушишини ҳис этиб, тезда рулга ўтирди-да, газни босди.

Машинани учириб бораркан, катта йўлдан юрса қўлга тушишини билиб, рулни яйлов томон бурди. Бир томони жарлик, бир томони тепалик жойига келганда машина ўчди. Бензин тугаганини билган Қурбон машинани жарликка тушириб юбормоқчи бўлди, лекин эплолмади. Машина балонлари атай қилингандай чуқурчага тушиб қолганди.

Ҳозир бутун ички ишлар идораси оёққа турган, ҳадемай ортидан етиб келишади. Тепаликка чиқса кўриб қолишлари мумкин. Жарликка тушиб беркинса, машина турибди, шу ердалиги билинади. Ҳарҳолда жарлик бўйлаб югурса, қўшни туманга, ундан эса шаҳарга чиқиб олади. Кейин бирор паноҳ топилиб қолар. Ана шундай ўйлар билан жарликка тушиб, югуриб кета бошлади. Бир пайт бехосдан оёғи қайрилди-да, юзтубан ерга йиқилди. Оғриқдан инграб юборди. Ўрнидан туриб, бироз чўлоқланиб юрди. Жарликнинг ўнқир-чўнқир жойларида юриш осонмас. Оғриқ кучайиб, ўтириб қолди. Шу кўйи бўлган воқеани эслади.

... Жўра чавандоз гузарга келганида Қурбон машинаси ёнида турганди. Кўришишди.

– Мижозлардан ким келаркин, деб кўз тикиб тургандим, ўз оёғинг билан келдинг, юр ташлаб келаман, – деди ишшайиб Қурбон.

Жўра машинага ўтирганди, бир йигит пайдо бўлди.

– Бу жияним, машинани у ҳайдайди, куни билан рулда ўтириб чарчадим, икковимиз чақ-чақлашиб кетамиз.

Машина ўрнидан қўзғалди. Қурбон чавандоздан нима учун Баҳромникига келганини билиб олди. Бир улоқчи отнинг пули-я, қандай қилиб бўлсаям қўлга киритиши керак. Яна бир томони – Жўрадан алами бор. Мана, ҳисоб-китоб қилишнинг мавриди келди.

Қишлоқлар тамом бўлиб, қир-адирлар бошланди. Қош қорайиб борарди. Жўра чарчаганиданми, кўзи илина бошлади. Бу Қурбон учун айни муддао эди. У ёнидан пичоқ чиқарди-да, куч билан чавандознинг кўкрагига санчди.

Шу пайт машина илкис тўхтади.

– Нима қиляпсан, галварс, нега тормоз босасан?!

– Нима қилдингиз? Менга бошқача гапиргандингиз-ку, – ортига ўгирилиб Қурбонга юзланди йигит.

– Қўрқма, ҳеч ким билмайди. Озгина юргин, чапга буриламиз, буни овлоқ жойга олиб бориб ташлаймиз.

Шу пайт Жўранинг чўнтагидаги телефон жиринглаб қолди. Қурбон бир чўчиб тушди ва тезда олиб ўчирди. Кейин чўнтагига солиб қўйди.

Шу топда хаёлига келган фикрдан севиниб кетди. Жасадни Олтинтепа харобасига олиб бориб кўмиш керак, ҳеч ким бормайдиган жой. Пулнинг бир қисмини чавандознинг хотинига беради ва эрини чет элга кетди, деб айтади. Шунда ҳеч ким ундан шубҳаланмайди.

Олтинтепага яқинлашганларида қоронғи тушиб қолганди. Машина юкхонасидан белкурак билан чўқмор олиб, тепалик этагидаги пана-пастқам жойдан чуқур кавлашди. Жасадни олиб боришганда Қурбон:

– Кийимларини ечиб оламиз, тез чириб кетади, – деди секингина. – Кейин ёқиб ташлаймиз.

Жасадни чуқурга ташлаётганларида Қурбоннинг чўнтагидан Жўранинг телефони сирғалиб тупроққа тушди. Чуқурга тупроқ тортишди. Тупроқ уюлиб қолмаслиги учун устидан тепкилиб шиббалашди...

Қурбоннинг оёғи баттар зирқирай бошлади. Бир амаллаб туриб олди-да, яна чўлоқланиб юра бошлади. Озгина юргандан кейин оёғи тойиб, пастликка думалаб кетди.

Қанча ётганини билмади. Ғўнғир-ғўнғир овозлардан уйғониб кетди. Кўзини очганида эса тепасида ички ишлар ходимларини кўрди...

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Жиноятга жазо муқаррар

«ҚИЗАЛОҚ, ЗИРАГИНГНИ ЯНГИЛАБ БЕРАЙМИ?»

Мактаб ҳовлисида ўйнаб юрган қизалоқнинг қулоғидаги зираклари узоқдан ярқираб кўзга ташланарди. Уларнинг қимматбаҳо эканини бир қарашда билиб олиш мумкин эди. Шу пайт дугоналаридан бири уни нотаниш аёллар чақираётганини айтди. Қизча улар томон чопқиллаб кетди.

– Исминг нима, қизим? – сўради аёллардан бири.

– Озода (исмлар ўзгартирилган).

– Жуда чиройли қиз экансан-у, зиракларинг эскириб қолибди-да. Хоҳласанг тозалаб, янгилаб берамиз. Тез-тез тозалаб турмаса бунақа зираклар қорайиб хунуклашиб қолади.

Қизалоқ севимли зирагининг кўримсиз бўлиб қолишини ўйлаб қўрқиб кетди. Тезда уни ечиб, аёлларга тутқазди.

– Сен шу ерда бирпас ўйнаб тургин, биз тезда тозалаб олиб келамиз...

Шу куни уйига йиғлаб келган Озоданинг ота-онаси бўлган воқеани эшитгач, дарҳол ички ишлар идорасига мурожаат қилишди.

Бир юз эллик минг сўмлик тилла зиракни олиб ҳам нафси ором топмаган фирибгарлар яна ўлжа излашга киришдилар. Кўчада ўйнаб юрган, мактабдан қайтаётган қизалоқлар уларнинг нишонига айланди. Ниҳоят, дўкон ёнидан ўтиб кетаётган қизалоқнинг зираги уларнинг кўзини чақнатиб юборди. Табиийки, фирибгарлар нақд беш юз минг сўмлик тилла буюмни қўлдан чиқаришни хоҳламадилар. Қизалоқни алдаб-суллаб, зирагини қўлга киритишди. Учинчи синф ўқувчиси Осима катта йўл ёқасида

уларни кута-кута алдангани-ни тушуниб етди ва йиғлаганча уйига жўнади.

Ошиғи олчи бўлган уч аёл шу куни шаҳарнинг турли кўчаларида айланиб, С. Одина, Х. Севинчларни ҳам ўз тузоғига илинтирдилар.

Гулистон шаҳар ИИБга кетма-кет айнан бир хил жиноят юзасидан қилинган мурожаатлар ходимларни ҳушёрликни янада оширишга ундади. Жабрланганлардан жиноятчиларнинг ташқи кўриниши ҳақида сўраб-суриштирилди. Бу ҳақда ҳудудларда хизмат ўтаётган ходимларга хабар жўнатилди. Шаҳардаги барча заргарлик дўконлари назоратга олиниб, у ерда ишловчиларга йўқолган зиракларнинг белгилари айтилди. Кимдир шундай тақинчоқларни сотиш учун олиб келса хабар бериши тайинланди.

Деҳқон бозорида атрофга олазарак қараганча нимадандир хавотирда юрган уч нафар аёлнинг хатти-ҳаракати бу ерда хизмат ўтаётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд командирининг ўринбосари, лейтенант Илҳом Расулов ва отряд милиционери, сафдор Элдор Латиповнинг нигоҳидан четда қолмади. Зимдан кузатишди. Бир пайт улар чеккароқдаги заргарлик дўконига кирди. Осойишталик посбонлари ортидан кириб, улар бир нечта тилла зиракни сотмоқчи бўлиб турганлари устидан чиқишди. Ховос туманида яшовчи Р. Нигора, янгиерлик П. Юлдуз ва Э. Шаҳноза аввалига саросимага тушиб қолди. Сўнгра турли баҳоналар излаб ходимларни чалғитмоқчи бўлдилар. Гувоҳлар ва жабрланувчилар билан юзлаштирилганда эса сукут сақлашдан бошқа чора топа олмадилар.

Улар энди қилмишларига яраша жазо олиши аниқ. Аммо масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйлантиради. Тергов жараёнида маълум бўлишича, фирибгарларнинг тузоғига илинган қизалоқлар бошланғич синф ўқувчилари. Қизиқ, 7-10 ёшли қизалоқларга қимматбаҳо тилла тақинчоқларнинг нима кераги бор? Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган беғубор болажонларни ота-оналари шу ёшданоқ тилла буюмлар билан чалғитгандан кўра, пухта билим олишлари учун уларга етарли шароит яратиб беришса, мақсадга мувофиқ эмасми?!

Иброҳим МУСУРМОНҚУЛОВ,
кичик сержант.
Сирдарё вилояти.

ФИРИБГАРЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Ишонч – инсонга хос олижаноб туйғулардан бири. У кишилар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳаётда, афсуски, одамлар ишончини суиистеъмол қиладиган, шу орқали мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган фирибгар кимсалар ҳам учраб туради. Андижонлик И. Хуршид ва С. Собит ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди.

Меҳнатга бўйни ёр бермайдиган, аксинча, алдов ва фириб билан ўзгалар мол-мулкини қўлга киритишни касб қилиб олган бу кимсалар ғараз ниятларини амалга ошириш мақсадида бу гал Жалолқудуқ туманидаги мол бозорига боришди. Анча вақт бозорни кузатишди. Шу пайт чеккароқда икки бош қорамолни етаклаб турган, одмигина кийинган булоқбошилик А. Абдулазиз улар эътиборини тортди.

– Ана, бизнинг ўлжамиз, – деди Собит шеригига.

– Тўғри айтасан, зап бизбоп экан ўзиям, қара, соддалиги шундоқ кўриниб турибди.

Ҳамтовоқлар аввалига қорамолларни обдон кўздан кечирган бўлди. Кейин савдолашиб, автомашинага ортишди. Қорамоллар эгаси билан Андижон шаҳридаги «Ниҳол» ошхонасида олди-берди қилишга келишиб олишди. Лекин у ерга етиб борганларидан сўнг пулни бермай жуфтакни ростлашди. Жабрланувчи алдганини билгач, ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари жиноят жойини кўздан кечириб, суриштирув ишларини бошлаб юборди. Фирибгарларнинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот тўпланиб, тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилди. Натижада Андижон туманида яшовчи И. Хуршид ва С. Собит гумон қилиниб қўлга олинди. Юзлаштиришлар, суриштирувларда мазкур жиноят айнан улар томонидан содир этилгани аён бўлди.

Кўп ҳолларда кишиларнинг ўта ишонувчанлиги уларнинг ўзларига панд бериб қўймоқда. Жиззах вилоятининг Фориш туманида яшовчи уй бекаси Б. Фотима ҳам ишонувчанлиги боис фирибгарларнинг «тегирмонига сув қуйди». Уйига келган нотаниш икки аёл ўзларини ҳожатбарор кўрсатиб, уни роса аврашди. Содда, ишонувчан Фотима каттагина миқдордаги пул ва заргарлик буюмларини илоннинг ёғини ялаган бу аёлларнинг қўлига қандай қилиб тутқазганини ўзи ҳам билмай қолди. Алдганини англагач эса, ички ишлар идораларига мурожаат қилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида фирибгарлар қўлга олинди. Улардан бири Жиззах туманида яшовчи 1969 йилда туғилган Н. Сожида, унинг жиноий шериги Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида истиқомат қилувчи 1981 йилда туғилган Р. Шаҳноза экан.

Юқоридаги фирибгарлик ҳолатлари бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жиноят айнан у учун имконият мавжуд бўлган муҳитда содир бўлади. Демоқчимизки, фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатларнинг содир бўлишида жабрланувчиларнинг ҳам «ҳисса»си бор. Пул, мол-мулк билан боғлиқ олди-берди масалалари қонунан амалга оширилса ёхуд фирибгарлар қилмишлари юзасидан ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар берилса, фойдадан холи бўлмасди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Сирдарё вилояти Сардоба тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Тоҳир Муҳиддинович МАМАДАЛИЕВ. 1982 йилда туғилган. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Кўқдала қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

***

Абдумавлон Султонович ШОДИЕВ. 1985 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Самарқанд кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

***

Фурқат Муродқосимович БОЛТАЕВ. 1989 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Фалак кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

***

Шерзод Муродқосимович БОЛТАЕВ. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Фалак кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

***

Рашид Қурбонбоевич ТАЙЛОҚОВ. 1985 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Меҳнат кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

***

Улуғбек Азизович ХОЛМУРОДОВ. 1983 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Меҳнат кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

***

Избосар Сандибой ўғли АБИШЕВ. 1993 йилда туғилган. Жиззах вилояти Зафаробод тумани Чимқўрғон қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

***

Азиз Қаюмович ХОЛМУРОДОВ. 1960 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Меҳнат кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

***

Гулмира Азиз қизи ҚАЮМОВА. 1992 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Меҳнат кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

***

Умида Муродқосимовна БОЛТАЕВА. 1984 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Фалак кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

***

Сайёра Абдикарим қизи МАҲМУДОВА. 1992 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Турон кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Сирдарё вилояти Сардоба тумани ИИБга (0-367) 235-08-03 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тўйхат ўрнида

ҲАР ТОМОНЛАМА НАМУНА

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган, истеъфодаги подполковник Мели Худойназаровни ҳеч иккиланмай бахтли инсонлардан бири, деса бўлади. У киши кўп йиллар олдин хизмат фаолиятини Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБда бошлаб, оддий милиционерликдан Транспортдаги ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғигача бўлган шарафли ҳамда масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Мели ака фарзанд тарбиясида ҳам кўпларга ибрат: турмуш ўртоғи Муҳаббат опа билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, юрт корига яраймиган инсонлар этиб вояга етказди. Қизи Нилуфархон отаси изидан бориб, ИИВ Тиббиёт бошқармасида хизмат қилиб келаётир, унвони сержант.

— Бугунги тинч ва осойишта кунлар қадрига етиб яшаш, унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиш зарур, — дейди истеъфодаги подполковник М. Худойназаров. — Чунки мамлакатимизда ёш авлоднинг илм-фан, санъат, спорт, қўйингки, барча соҳаларда ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун етарлича шароитлар яратилган. Юртбошимиз раҳнамолигида келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ёши улуғ инсонларни ҳам четлаб ўтмагани янада қувонарлидир. Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номлангани бизга куч-қувват бағишлаш билан бирга, зиммамизга Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун қўлдан келганча хизмат қилиш масъулиятини ҳам юклайди. Ўзимизнинг ибратли ишларимиз билан ёш авлодга ҳар томонлама намуна бўлишимиз керак.

Дарҳақиқат, ҳар бир бола ёши улуғ инсонлардан ибрат олади, ўрганади. Шу маънода, табаррук ёшни қаршилаётган Мели Худойназаров сингари юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида хизмат қилган инсонларнинг шарафли умр йўли барчага ибрат мактаби вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Айни кунда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилаётган бу аҳил ва иноқ оилага кўпчилик ҳавас қилишининг боиси, балки, шундадир.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.

Спорт * Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт**

СПОРТСЕВАР ОИЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан ички ишлар идоралари ходимлари оилалари ўртасида «Спортчилар оиласи» танлови ўтказилди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар Нукус шаҳрининг «Турон» стадионида 40, 60, 100 метр масофага югуриш, эстафетада тўпни манзилга етказиш ва спортга оид савол-жавобларда фаол иштирок этди. Қизиқарли кечган баҳсларда иштирокчилар бир-бирларини тўғри тушуниб, аҳил ва иноқ эканликларини кўрсата олди. Уларнинг спортда қанчалик чиниққанлиги ҳамда билимлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Танлов якунида Беруний тумани ИИБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционери, сафдор Зоҳиджон Уразимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ муҳандиси, сержант Саламат Қайратдинов ҳамда жазони ижро этиш муассасаси назоратчиси, сафдор Мурат Уразбаевнинг оиласи кучли учликдан ўрин олди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғайратдин БЕРДИБАЕВ, журналист.

▼ *Амалий спорт*

ҒОЛИБЛИК КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Навоий вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси 2-ҲЁХО 2-ҲЁХҚ спорт майдончасида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақанинг ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 4-ҲЁХҚ жамоаси эгаллади. 100 метрга тўсиқлар оша югуриш турида умумжамоа ҳисобида ғолиблик 2-ҲЁХҚ вакилларига насиб этди. Баҳсларнинг уч тирсакли нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш тури натижалари бўйича умумжамоа ҳисобида 11-ҲЁХҚ жамоасининг қўли баланд келди. Жанговар ёйилиш тури беллашуви ҳам ғоят қизғин кечди. Ушбу турда биринчи ўринни 7-ҲЁХҚ жамоаси қўлга киритди.

Тўққизта жамоа иштирок этган мусобақа якунида 11-ҲЁХҚ жамоаси турлар бўйича мусобақанинг мутлақ ғолиби деб топилди. 4-ҲЁХҚ ва 2-ҲЁХҚ жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Мусобақаларда фаол иштирок этиб, ғолибликни эгаллаган жамоалар ҳамда шахсий ҳисобда юқори натижаларга эришган ходимларга пул мукофотлари ва вилоят ИИБнинг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Отабек МУҚИМОВ, катта лейтенант.
Навоий вилояти.

▼ *Енгил атлетика*

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Хитойнинг Ушань шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз Светлана Радзивил ва Екатерина Воронина мусобақанинг олтин медалларини қўлга киритди.

Шунингдек, Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида 1998—1999 йилларда туғилган енгил атлетикачилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳам терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли иштирок этди. Марказий Осиё давлатлари терма жамоалари қатнашган турнирда ёш спортчиларимиз 15 олтин, 14 кумуш ва 15 бронза медалини қўлга киритди.

Чемпионатнинг дастлабки кунида баландликка сакраш баҳслари ўтказилди. Унда тажрибали спортчимиз Светлана Радзивил 1,91 метр натижа қайд этиб, қитъада тенгсиз эканини исботлади. Мезбон спортчилар – Ванг Янг ва Зенг Хингжуан кейинги ўринларни эгаллади.

Енгил атлетиканинг еттикураш мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Екатерина Воронина икки кунлик беллашувлар якунига кўра 5689 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Бу унга Осиё чемпиони деган шарафли унвонни туҳфа қилди. У ядро улоқтиришда 12,84 метр, 200 метрга югуришда 25,66 сония натижани қайд этди. Еттикураш баҳсларида кейинги ўринлар ҳиндистонлик Жосеф Ликси ва Хембрам Пурнимага насиб этди.

Шу тариқа, Светлана Радзивил ва Екатерина Воронина август ойида Пекинда ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмаларига эга бўлди.

▼ *Байдарка ва каноэда эшкак эшиш*

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА ИККИНЧИ ЎРИН

Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи ўтказилди. Мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси учтадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг 35 давлатидан энг моҳир эшкакчилар ғолиблик учун кураш олиб борган нуфузли мусобақанинг 500 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича жуфтликлар баҳсида ҳамюртларимиз – икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков ва тажрибали спортчимиз Серик Мирбеков маррага биринчи етиб келди. В. Меньков ва С. Мирбеков 1000 метр масофага эшкак эшиш бўйича ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, маҳорат бобида тенгсиз эканини яна бир карра исботлади. Ушбу жуфтлик 200 метрга ўтказилган баҳсларда иккинчи ўринни эгаллади.

Терма жамоамиз ҳисобига яна битта олтин медални ўн етти ёшли иқтидорли спортчимиз Дилноза Раҳматова келтирди. У хотин-қизлар ўртасида 200 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича яккалик пойгада рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Яна бир тажрибали каноэчимиз Герасим Кочнев 1000 метрга ўтказилган яккалик баҳсларида кумуш, 5000 метрга ўтказилган мусобақада бронза медалини қўлга киритди.

▼ *Футбол*

Яна бир неча кунлардан сўнг Осиё қитъаси бўйича жаҳон чемпионати саралашининг иккинчи босқичига старт берилади. Шу муносабат билан миллий терма жамоамиз 8 июндан бошлаб тайёргарликка киришади.

МУҲИМ МУСОБАҚА ОЛДИДАН

Миржалол Қосимов шогирдлари тайёргарлик доирасида 11 июнь куни Эрон миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказади. Бу ўйин пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтади. Тошкентдаги йиғин 14 июнгача давом этади ва сўнг жамоа Пхеньянга учиб кетади. Хабарингиз бор, 16 июнь куни бу ерда Ўзбекистон ва КХДР миллий терма жамоалари ўртасида жаҳон чемпионати саралаш учрашуви ўтказилади.

Яқинда ушбу йиғинда иштирок этадиган футболчилар рўйхати маълум қилинди. Мазкур рўйхатдан 22 нафар футболчи ўрин олган. Жумладан, дарвозабонлар – Игнатий Нестеров, Элдор Суюнов, Акбар Тўраев; ҳимоячилар – Анзур Исмоилов, Шавкат Муллажонов, Шуҳрат Муҳаммадиев, Егор Кримец, Ислом Тўхтахўжаев, Виталий Денисов, Акмал Шораҳмедов, Фаррух Сайфиев; ярим ҳимоячилар – Азиз Ҳайдаров, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров, Лутфулла Тўраев, Санжар Турсунов, Сардор Рашидов, Шоҳруҳ Гадоев, Икром Алибоев, Жасур Ҳасанов, Фозил Мусаев; ҳужумчилар – Зоҳир Қўзибоев, Баҳодир Насимов ва Игорь Сергеев тайёргарлик йиғинига чақирилган.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2015 йил 21 апрель куни соат 20:30ларда Тошкент шаҳар Миробод тумани Мунис кўчасида ёши тахминан 50-55ларда бўлган, Европа миллатига мансуб аёл кишини машина уриб юборган. Натижада у воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Ёнида шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган пиёданинг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: сочи 5-8 см.ли жингалак, сарғиш, бурни пучуқ, ўрта гавдали.

Кийими: эгнида қора гамаж, енги калта қора кофта бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасига қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз: (0 371) 281-92-38.

▼ *Руҳият сирлари*

ИНСОННИНГ ИРОДА КУЧИ

Ҳатто энг оғир хасталиклар ҳам саботли инсоннинг танасини абгор қилишига қарамай, унинг иродаси олдида ожиз қолади. Одамнинг руҳий кучи мўъжизаларга қодир. Собит иродали инсонлар ўлимидан кейин ҳам бошқалар учун ўрнак, намуна бўлиб қолаверадилар. Шундай экан, ҳеч қандай қийинчилик олдида руҳингизни чўктирманг. Буюк Британиянинг таниқли давлат арбоби Уинстон Черчиль айтганидек: «Ҳеч қачон таслим бўлманг!» Қуйида ана шундай ирода кучига ҳавас қилса арзийдиган инсонларга айрим мисоллар келтирамиз.

Буюк бастакор Людвиг Ван Бетховен кар бўлиб қолгач, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Аммо кейин ўзини қўлга олади. Шу ҳолида ижод қилиб, Учинчи ва Тўққизинчи симфонияларини яратади. Тўққизинчи симфонияси илк бор ижро этилганида бутун зал оёққа қалқиб, узоқ вақт қарсак чалиб, бастакорни олқишлайди. Ҳатто император ҳам бундай шарафга мушарраф бўла олмас эди.

Баландликка сакраш бўйича Олимпия ва Европа чемпиони Валерий Брумель 1965 йилда автоҳалокатга учрайди. Шифокорлар унинг бўлакларга бўлиниб кетган ўнг товонини аранг даволашади. Спортчи реабилитация давридан кейин яна спортга қайтиб, икки марта икки метр баландликка сакрайди.

Англиялик истеъдодли олим Стивен Хокинг 20 ёшида склерознинг оғир турига чалиниб, фалаж бўлиб қолади. Аммо у тақдирга тан бермайди. Илмий изланишларини давом эттиради. Натижада нуфузли назариётчи физик ва космолог, математика профессори бўлиб етишади. У кресло-аравачасига ўрнатилган компьютер ёрдамида Кембриж университети талабаларига сабоқ беради. Бундан ташқари, китоблар ёзади, «Дискавери» теледастури орқали фанни оммалаштиради.

Польшалик машҳур хонанда Анна Герман 1967 йилда Италияда оғир автоҳалокатни бошдан кечиради. Шунга қарамай бир нечта жарроҳлик операцияларидан кейин оёққа туради. Оғир хасталикни писанд қилмай яна 14 йил саҳнани тарк этмайди. У ўзининг ўлмас лирик қўшиқлари билан санъат ихлосмандлари қалбида абадий қолди.

Цирк артисти Валентин Дикуль 15 ёшида дордан тушиб кетади. Оқибатда умуртқа поғонаси жиддий шикастланади. У айнан кучли иродаси туфайли яна оёққа туради ва инсон ҳатто орқа мияси жароҳатланганда соппа-соғ одамлардек турмуш кечира олишини бутун дунёга исботлайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Бу – қизиқ!

БИР ЙИЛ ШИРИНЛИКСИЗ

Америкалик Ева Шауб шакарнинг зарари ҳақидаги китобни ўқиб чиққанидан сўнг бир йил давомида оила аъзолари билан умуман ширинлик емасликка қарор қилди. Бунга эри дарҳол рози бўлди. Аммо иккала қизалоғини кўндириш қийин кечди. Чунки улар туғилган кунларини, Янги йил байрамини ширинликларсиз нишонлашни тасаввур қила олишмасди.

Хуллас, кўп ўтмай режани амалга оширишни бошлаб юборишди. Ниҳоят, орадан 365 кун ўтгач, озгинадан ширинлик татиб кўришга қарор қилишди. Ева ерёнғоқ ҳолвасидан бир бўлакчагина ея олди, холос. Эрига бўлса илгари севиб тановул қиладиган банан қўшилган пирог бу гал умуман ёқмади. Энди Шаублар оиласидан ҳеч ким ширинликни ёқтирмайди. Тўғри, ширинликсиз ўтган бир йил давомида Ева озгани йўқ. Лекин илгари азият чекадиган кўпгина хасталиклар уни безовта қилмай қўйди.

ЎҒИРЛАНГАН КУЁВ

Баъзи бир мамлакатларда келин ўғирлаш одатий ҳол. Аммо Ҳиндистонда сўнгги йилларда куёв ўғирлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Фақат гоҳида буюртмани бажарувчилар буюртмачилар айтган йигитнинг ўрнига бошқасини ўғирлаб кетишлари чатоқ-да.

– Мен улфатларим билан емакхонада шароб ичиб ўтирган эдим. Шу пайт кимдир биқинимга тўппонча тираб, ўзи билан бирга юришни буюрди. Номаълум кимсалар машинага ўтқизиб, бир қишлоққа олиб келишди. Ўзим танимаган қиз билан мажбуран никоҳлаб қўйишди, – дея ҳикоя қилади Дармендра Кумар исмли йигитча.

Инсоф билан айтганда, Дармендра хафа эмас. Аксинча, хурсандлигидан оғзи қулоғида. Сабаби, унинг қайлиғи қишлоқнинг энг олди гўзали. Фақат йигитнинг ота-онаси хийла норози. Ҳозир улар келин тарафдан ундириладиган сеп масаласини ҳал этишяпти.

ОДАМЛАРГА ЎХШАБ

Филларнинг баъзи бир хулқ-атворлари одамларникига ўхшайди. Масалан, улар ҳам касал бўлиб қолган тўдадошини парвариш қилади. Унга ўт-ўлан, бошқа егуликлар, сув олиб келишади. Оёққа турганида эса юришига кўмаклашишади. Мабодо ўладиган бўлса, сув, егулик олиб келишда давом этиб, бир неча кун мобайнида уни тирилтиришга уринишади. Фил ўлганлиги аниқ бўлгач, чуқур бўлмаган қабр қазишиб, уни ётқизиб, устига тупроқ, лой, шох-шабба ташлаб дафн этишади. Шундан сўнг қабр ёнида бир неча кун қолиб кетишади.



Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, нафақадаги катта сержант

Музаффар САРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Бобохон Ҳамраевга падари бузруквори

ҚАҲРАМОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ

Ушбу ҳафтада асабларингизни жойига келтиришингиз керак. Бунинг учун зиммангиздаги мажбуриятларни камайтиринг. Ишда муваффақият қозониш учун анча-мунча куч сарфлашингизга тўғри келади. Уйғунликка эришишни истасангиз, турмуш тарзингизни тубдан ўзгартиринг. Фақат ҳаётингиздаги бу ўзгаришлар ўзингизга унчалик ёқмаслиги мумкин.

СИГИР

Оилавий ҳаётингизда кечаётган ўзгаришларга, яқинларингиз ва қариндошларингизнинг эҳтиёжларига эътиборли бўлинг. Ҳозир молиявий ишлар билан шуғулланишга, моддий аҳволингизни яхшилашга мойилсиз. Аммо фақат ўз манфаатингизни ўйлайверсангиз, атрофингиздагилар билан муносабатларингиз ёмонлашади, боридан ҳам қуруқ қоласиз.

ЭГИЗАКЛАР

Келаётган ҳафтада фаоллик кўрсатманг, янги ишга қўл урманг, муҳим қарорлар қабул қилманг. Яхшиси, келгуси ишларни режалаштириб, уларни амалга ошириш учун қулай фурсатни кутинг. Ҳозир молиявий масалаларни ҳал эта олмайсиз. Кўп пул ишлаб топишингиз ҳам қийин. Шунинг учун маблағни тежашга ҳаракат қилинг. Ҳаётий муаммоларни ҳал этиш чоғида ички сезгингизга таянинг.

ҚИСҚИЧБАҚА

Ҳафта бошларида кундалик молиявий ишлар билан шуғулланинг – коммунал тўловларни, қарзларингизни тўланг. Даромаду буромадингизни ҳисоб-китоб қилинг. Ҳафтанинг ўрталари оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, келгуси ишларни режалаштириш, шунингдек қариндошлардан хабар олиш учун қулай. Ҳафта охирларида бошқаларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олинг.

АРСЛОН

Ушбу ҳафтада ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятингизни намоён этасиз. Бунинг эса, иш фаолиятингизга фойдаси тегади. Фақат айримлар билан муносабатларингиз бузилиши мумкин. Ахир, нуқтаи назарингиз ҳамда интилишларингиз ҳаммага ҳам ёқавермайди-ку. Айниқса, ҳафта бошларида анча-мунча қаршиликка дуч келасиз. Аммо барча тўсиқларни енгиб ўтасиз.

ПАРИЗОД

Ҳафта бошларида муомалага жуда уста бўласиз. Айниқса, иш борасидаги музокараларни муваффақиятли олиб борасиз. Ҳафта ўрталарида нуфузли дўстларингиз ва ҳамкорларингиз кўмагида ишингизни ривожлантирасиз. Фойдали танишлар орттирасиз. Натижада молиявий аҳволингизни яхшилаб, кўпгина муаммоларни ҳал этасиз. Ҳафта охирида дам олинг.

ТАРОЗИ

Дастлабки кунлар дўстлар даврасида яйрайсиз, меҳмондорчиликларда иштирок этасиз. Улар билан бирга сайру саёҳатга чиқасиз. Бутун ҳафта давомида мўмайгина пулга эга бўласиз. Анчадан буён интилаётган мақсадингизга эришасиз. Ниҳоят узоқ пайт қилган меҳнатингизнинг меваларидан баҳраманд бўласиз. Ўта фаол бўлманг. Ўз вақтида дам олишни ҳам унутманг.

ЧАЁН

Бутун ҳафта мобайнида ҳиссиётларга тўлиб юрасиз. Шунинг учун теварак-атрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга унчалик эътибор бермайсиз. Янги таниш орттириб, унга қаттиқ боғланиб қоласиз. Шахсий ҳаётингиз бири биридан қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Тақдир сиздан ўз иноятини аямайди. Зиммангиздаги вазифалар кўпайса, улар орасидан энг муҳимини танлашингиз керак.

ЁЙ

Ўй-хаёлларингизни ва ишларингизни тартибга келтиринг. Бўлар-бўлмасга асабийлашманг. Воқеаларни холислик билан баҳолашга ўрганинг. Оқилона йўл тутсангиз, ишхонангизда ҳам, оилангизда ҳам тинч-хотиржам бўласиз. Ҳақиқатга эришаман, ўз ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қиламан деб бошқаларнинг кўнглига озор етказманг. Воқеалар ривожига халал берманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳафта бошларида гарчи муаммоларингиз бўлмаса-да, оилавий юмушлар билан шуғулланинг. Чунки кейин бошқа ишлар билан банд бўласиз. Ҳафта ўрталарида ички сезгингизга қулоқ тутинг. Ўткинчи ҳою ҳавасларга, иккинчи даражали эҳтиёжларга берилманг. Юксак мақсадлар сари интилинг. Ўз устингизда мунтазам равишда ишласангиз, юқори марраларни эгаллайсиз.

ҚОВҒА

Янги ҳафта воқеаларга бой бўлади, қизиқарли кечади. Ҳафта бошларида турли маслаҳатлар ва тавсияларга эътиборли бўлинг. Буларнинг бари ҳафтанинг иккинчи ярмида мустақил равишда қарорлар қабул қилаётганингизда асқотади. Ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Фақат бу ўзгаришларнинг қандай бўлиши тўғри йўл танлашингизга боғлиқ.

БАЛИҚ

Ҳафта бошларида ниҳоятда эътиборли бўлинг. Акс ҳолда майда-чуйда камчиликларга йўл қўйишингиз мумкин. Рақибларингиз эса арзимас хатоларингизни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Давра танлашда адашманг. Дўсту ёрларингиз даврасидаги биргина ғаламис ҳамманинг кайфиятини бузиши ҳеч гап эмас. Ҳафтанинг охири янги иш бошлаш учун ҳар томонлама қулай.

ТАФАККУР ҒУЛЛАШАНИ

УЧ МАКТУБ

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. Бир куни у котибга уч мактуб битишни буюрди. Мактублар битгач, котибга тайинлади:

– Агарда менинг кўзимда ғазаб учқунини кўрсанг, бирор нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал биринчи мактубни менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи мактубни узат. Ундан ҳам таскин топмасам, учинчи мактубни бер.

Биринчи мактубнинг мазмуни: «Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши ҳамиша афсус чекиб, кейинчалик қайғуалам домида қолади»; иккинчи мактубники: «Ҳокимият қўлимда деб, ўзингдан ожизларга жабр қилаверма, куни келиб замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг, шундай муомала қилишади»; учинчиси: «Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ўзингни қўлга олиб, инсоф юзасидан иш кўр» экан.

КЎЗ ОРҚАЛИ ДАВОЛАШ

Бир киши табиб олдига келди. У қорни қаттиқ оғригандан ерга юмаланиб-юмаланиб инграр эди. Табиб унинг касалини аниқлаб, беморга деди:

– Бугун нима еган эдинг?

Касал соддагина киши эди, жавоб берди:

– Бир парча куйган нон еган эдим.

Табиб ёрдамчисига буюрди:

– Кўзини равшан қиладиган доридан келтиринг, бу кишининг кўзига суртиб қўяман.

У киши фарёд қилди:

– Эй табиб, масхарабозликни қўй, мени масхара қилма, қорним оғрияпти. Сен эса кўзимга дори қўймоқчисан. Ахир, кўзнинг қоринга нима алоқаси бор?

Табиб деди:

– Мен аввал кўзингни даволамоқчиман. Шунда сен оқни қорадан фарқ қиладиган бўлиб, иккинчи марта куйган нон емайдиган бўласан.

«Шарқ ҳикоят ва ривоятлари» китобидан.

Завқ-шавққа тўладир ёз фасли

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Кўп нарсаларга кўзни юмиш мумкин, аммо қалб кўзини юмиб бўлмайди.

***

Эркак эртагининг боридан йўғи, аёл орзу-хаёлининг эса йўғидан бори кўп бўлади.

***

Меҳр назария бўлса, оқибат – амалиёт. Шунинг учун улар ҳаётда бир-бирига тўғри келиши жуда қийин.

***

Во ажаб, отанинг дашноми боланинг қулоғига кирмайди, боланики эса отанинг юрагидан чиқмайди.

***

Бўлар-бўлмас ишлар қанча бўлса, демак, уларни қиладиган кишилар ҳам шунча.

Шуҳрат РЎЗИЕВ.

Эндер Холиқ ДЕРИНЖЕ

САХИЙ ҚИЗАЛОҚ

Ҳикоя

Кўринишидан хийла ўзига тўқ оиланинг фарзанди эканлиги маълум бир қизча қўлида бир даста пул билан отасининг қўлидан тутиб олиб, шаҳарнинг энг катта ўйинчоқ дўкони расталарини кўздан кечирарди. Бу дўконда дунёдаги барча ўйинчоқлар жамлангандек, расталарда бир-биридан чиройли ўйинчоқлар «мени харид қил, мен билан вақтингни чоғ ўтказасан», дегандек қизчага жилмайиб боқарди гўё. Расталарни кезаркан қизча бирдан тўхтаб қолди. Кўзлари йирик ва мовий чақалоқ тимсолидаги катта ўйинчоқ қизчага ёқиб қолди. Отасидан сўради:

— Отажон, қўлимдаги пул шу қўғирчоққа етадими?

Отаси боши билан тасдиқ ишорасини берди. Қизча чақалоқ-қўғирчоқни қучоқлаганча отасининг ортидан касса томон юрди. Худди шу ерда ўзига ўхшаб отаси билан қўғирчоқ харид қилгани чиққан ўғил болачага кўзи тушди. У калта иштонча кийган, кўйлаги ҳам анча эскирганди. Боланинг қўлчаларида бироз пул бор эди. У растадаги ўйинчоқлардан бирининг олдига ҳаяжон билан яқинлашди ва отасига:

— Мана, шу ўйинчоқни олишни хоҳлайман, отажон! — деди.

Бироз ўйинчоққа термулиб тураркан, қўлидаги пулига ишора қилди: – Шу ўйинчоққа етадими?

Отаси боласининг кўзларига қарай олмай, секингина «йўқ» деди. Болакай қўлида турган пулга маъюс нигоҳ ташлаб, ўйинчоқни жойига қўйди. Отасининг қўлидан тутиб сурат-китоблар растасига йўналди. Қизалоқ бу ҳолатни кузата туриб, қучоғидаги чақалоқ-қўғирчоққа бир муддат тикилди.

Сўнг болакайга ёққан ўйинчоққа қаради. Чақалоқ-қўғирчоқни жойига олиб бориб қўйди-да, ўйинчоқни кўрсатиб отасидан сўради:

— Бу ўйинчоққа пулим етадими, отажон?

Отаси қизига ҳайрон қараганча «ҳа, етади» деди. Кассага бориб, ўйинчоқнинг пулини тўладилар. Қизалоқ кассада ўтирган аёлга нималарнидир пичирлади. Қизча ва отаси бир четга ўтишди. Бироздан сўнг болакай ва отаси қўлида бир сурат-китоб билан кассага яқинлашди. Кассир аёл:

— Сизларни табриклайман! — деди ҳаяжон билан. — Бугуннинг ҳисобидан биринчи харидоримиз сифатида мана бу совғага эга бўлдингиз.

Сўнг табассум билан ўйинчоқни болакайга узатди.

— Мўъжиза! — дея қийқирди болакай. — Отажон, бу ўйинчоқни ўйнашни орзу қилардим!

Ота-бола хурсанд бўлиб дўконни тарк этдилар. Шу пайт қизалоқнинг отаси деди:

— Бунчалик сахий, тантисан-а, қизим?! Бундай қарорга келишингга нима сабаб бўлди?

— Отажон, менга пул бераётиб «Бу пулга ўзингни севинтирадиган нарсани сотиб ол» дегандингизми?

— Ҳа, шундай дегандим, асал қизим.

— Мен ҳам худди шундай қилдим, отажон, — қизалоқнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. — Ҳозир қанчалик бахтли ва хурсанд эканимни билсангиз эди...

Турк тилидан Умида АДИЗОВА таржимаси.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas’ul kotib v.b. – **Zokir BOLTAYEV**
Navbatchi – **Mixli SAFAROV**
Sahifalovchi – **Rustam ISOQULOV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-33-88; **Faks:** 255-31-39.

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001, MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo‘limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko‘rsatilishi shart.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №S-3101. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69931 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. O‘ZA yakuni – 01.15. Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi, 1-uy.